



Поста

Саноқли кунлардан сўнг мустақил Ўзбекистоннинг бир йиллиги нишонланади. Мустақиллик шарофати билан ички ишлар идораларида виза ва рухсатномалар бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. Фуқароларнинг хорижда яшаётган қариндош-уруғлари билан борди-келдиларига кенг йўл очилди.

СУРАТДА: Яккасарой райони ички ишлар бўлимининг виза ва рухсатномалар бериш хизмати инспектори Тўлқин Аберқулов хорижга жўнаётган фуқароларнинг ҳужжатларини кўздан кечирмоқда.

Суратни
Б. МИРЗАРАҲИМОВ
олган.



ОЛМАОТА БИТИМИГА МУВОФИҚ

Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларус Республикаси, Грузия Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон, Ўзбекистон Республикаси, Украина давлатлари Ички ишлар вазирларининг Қирғизистон Республикасидаги Чўпонота шаҳрида 3 август кунги учрашувлари дўстона вазиятда, бир-бирини тушуниш, амалий ҳамкорлик қилиш руҳида ўтди. Кенгашида Латвия ва Эстония ички ишлар вазирларининг вакиллари қулатувчи сифатида иштирок этдилар.

Украина ички ишлар вазирлигининг раҳбари мустақил давлатлар ички ишлар вазирликларининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасида 24 апрель кун Олмаотада Битим имзоланаётган пайтда Украина ИИБ билдирган шартлардан воз кечганини баён қилди. Бундан буён Украина ИИБ ўз зиммасига Олмаота Битимини тула ҳажмда бажариш мажбуриятини олди. Молдова Республикаси билан Туркменистон ички ишлар вазирликлари раҳбарлари Битимга қўшилишларини билдирдилар ва уни имзоладилар.

Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларус Республикаси, Грузия Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон, Ўзбекистон Республикаси, Украина ички ишлар вазирликларининг раҳбарлари ўзларча бошқараётган вазирликлар ҳайъати иш тартиби, моддий-техника воситалари ва махсус техника билан таъминлаш, ички ишлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни, ахборот айирбошлаш соҳасида ички ишлар вазирликларининг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги Битимни имзоладилар.

Эстония ва Латвия Республикалари ички ишлар вазирликларининг раҳбарла-

ри ҳозир бўлганларга ўз ҳурматларини изҳор қилдилар ва улар раҳбар бўлган вазирликлар бошқа давлатлар ички ишлар вазирликлари билан икки томонлама шартномалар асосида, шу жумладан, моддий-техника таъминоти ва ахборот айирбошлаш масалаларида ўзаро ҳамкорлик қилаётганлари, бундан буён ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр эканликлари, ички ишлар вазирларининг Кенгашида қабул қилинган ҳужжатларда баён этилган асосий қондаларга риоя қилишларини билдирдилар.

Мухбиримиз Чўпонота учрашувида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси ИИБ Штабининг бошлиғи, ички хизмат подполковниги Шавкатжон Мавлоновдан қабул қилинган ҳужжатларни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

Қабул қилинган иш тартибидан бошлайман, зеро у 12 мустақил давлат ички ишлар вазирлари Кенгаши фаолиятининг тартибини белгилайди. Кенгаш Олмаота Битимининг 10 моддасига мувофиқ маслаҳатлашиб олиш вазифаларини бажаради ва жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳаракатларни уйғунлаштириш мақсадларига хизмат қилади. Вазирлар ёки ички ишлар вазирлигининг вазир ваколат берган мансабдор ходимлари Кенгашнинг аъзолари бўлишлари мумкин ва унинг ишида аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса тула ҳуқуқли ҳисобланади. Ички ишлар вазирларининг кенгаши ички ишлар идоралари ўзаро ҳамкорлигининг долзарб муаммоларини кўриб чиқади, биргаликда қабул қилинган ҳужжатлардаги кўрсатмаларининг бажарилишини муҳокама этади, қабул қилинган ҳужжатларни амалга ошириш чоғида юзага келган баҳсли масалаларни ҳал қилади, томонларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирувчи ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқади.

Навбатдаги Кенгаш ўтказилган жой ундан олдинги Кенгаш иши давомида белгиланади. Кенгаш аъзо-

ларидан бирининг таклифига биноан шояннинг Кенгаш ўтказилиши мумкин. Бундай ҳоллар Кенгашнинг тайёрлаш ва ўтказишни таклиф қилган томон ёки олдиндан келишиб олинганга мувофиқ бошқа томон таъминлайди.

Кенгаш қарор, билдириш, баёнот, мурожаатнома, тавсиянома каби ҳужжатларни қабул қилиши мумкин. Ҳужжатлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кенгаш аъзолари бу ҳужжатни яқдиллик билан маъқулласалар, қабул қилинган деб ҳисобланади. Кенгаш рус тилида олиб борилади.

Ички ишлар идораларининг моддий-техника ресурслари билан таъминлаш борасида маъқул шартот яратиш мақсадида Битим қабул қилинди. Унда бир-бирига иқтисодий зарар етказишга йўл қўймайдиган ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Томонлар келишилган нархлар бўйича икки томонлама шартномалар асосида бир-бирларига ёрдам берадилар. Ўз давлатлари ҳудудларида жойлашган корхоналарга зарур моддий-техника воситалари ҳамда махсус техника буюмларига буюртмалар беришда, бошқа давлатларга юборилаётган юкларини ўз ҳудудидан ўтказиш юзасидан ўз давлатларининг қонунларида амал қилган ҳолда қурол-яроғ, ўқ-дори билан таъминлашда бир-бирларига қўмаклашадилар.

Олинмайдиган моддий-техника воситалари, қурол-яроғ, ўқ-дори ва махсус техника буюмларидан миллатлараро низоларни бартараф қилишда фойдаланмаслик тўғрисидаги мажбуриятларнинг Битимда акс эттирилиши муҳим жиҳатдир. Олинган моддий-техника воситалари, махсус техника буюмлари таъминотини томоннинг рухсатсиз реэкспорт қилинишига йўл қўйилмайди. Кўрсатилган моллар реэкспорт қилинган тақдирда таъминотчи томон уларни беришни тўхтатиб қўйиш, шунингдек, келтирилган зарар қоплаишини талаб қилишга ҳақли.

(Боши. Давоми 4-бетда).

ТАЙИНЛАНУВ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига мувофиқ милиция полковниги **Ғофур Тошматов** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги қидирув милицияси хизмати бошлигининг ўринбосари — жиноят-қидирув, уюшган жиноятчилик ва коррупция билан кураш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланди.

БУГУНГИ СОНДА

3-БЕТ
Захроҳон ҳам улардаги мойиллиқни сезди, гап орасида ора-сира йигитларнинг гурури, шайнига тегиб ўтишни ҳам унутмади. Йигитларнинг исмига «шер» деб қўшиб қўяр, бу эса уларни илҳомлантирар эди...

4-БЕТ
Одамларни овора қилманг!
5-БЕТ
Муаммон ким ечади?
7-БЕТ
Оқсоқоллар кенгаши. У нима?

ЧОРШАНБАДАН-ЧОРШАНБАГАЧА

БИРОВНИНГ МАШИНАСИДА...

7 август кун соат 12 ларда И 89-43 АН рақамли «ВАЗ-2105» белгили машина Марғилон бозори ёнида 1941 йилда туғилган Анвар Баротовни уриб юборди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида қочоқ ҳайдовчи Зафар Ганиев қўлга олинди. Яна аниқланишича, у бу машинани Охунбобоев районидан олиб қочган экан.

ТЕРГОВ БОШЛАНДИ

Марғилонлик С. Усмонова Тошлоқ районида истиқомат қилувчи Абдумалик деган кимса ҳамтововлари билан уйига яширинча кириб, 58 минг сўмлик буюмларини ўғирлаб кетганлиги ҳақида ички ишлар бўлимига ари қилди.

Тергов ҳаракатлари бошланиб кетди.

ПИЧОҚ ҚОНГА БЕЛАНДИ

7 август кун кеч соат 20.30 да Чимён қишлоқ кенгаши ҳудудидаги Аллайтор қўчасида истиқомат қилувчи, 1928 йилда туғилган Сирожиддин Убайдуллаев 1959 йилда таваллуд топган, Фарғонадаги 2504-автокорхона ҳайдовчиси Содиқ Бакиров билан жанжаллашиб қолди. Натижада Содиқ бўйнига санчилган пичоқ зарбидан ҳалок бўлди.

ТАЛАБА ЭМАС, ТАЛОНЧИ!

Бухородан Шохимардонга дам олишга келган ўқитувчи аёл бошига қутилмаганда қўргулик тушди. 8 август кун соат 13.30 ларда кимдир унинг бўйнидаги ўн минг сўмлик тилла занжирни юлиб қочди.

Милициянинг саъй-ҳаракатлари туфайли талончи қўлга олинди. У Қўқон тиббиёт билим юрти талабаси С. У. экан.

ТОВЛАМАЧИ ТУШОВЛАНДИ

Бағдод районида яшовчи Д. Қосимова соддаларнинг соддаси. Бу Қўштегирмон қишлоғида 1960 йилда туғилган Э. Р. га қўл келиб қолди. Аёлни 20 минг сўм пулини авраб олмоқчи бўлди. Аммо...

ҚўЛИ ЭГРИНИНГ ЙўЛИ ЭГРИ

8 август кун эрталаб соат тўққизларда Қувасой шаҳрилик Кимёхон Сайфуддинова уйига ўғирликка тушган 1964 йилда туғилган У. Б. воқеа жойидаёқ ҳибсга олинди.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Яна шу кун Киргулида яшовчи Е. Луқмонов уйини бир неча дақиқа қаровсиз қолдиргани учун сочини юлишга бир баҳя қолди. Ўғри унинг «Электроника» магнитофонини ўмариб кетди. Яхши ҳамки милиция ходимлари бор экан, 1961 йилда туғилган В. Н. ни ушлаб келтиришди.

Муҳаммадрасул КИМСАНБОВЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ ходими, милиция майори.

ЮЗ ФОИЗ ОБУНА БЎЛИШДИ

— «Поста» бизнинг энг сеvimли нашримизга айланиб қолган, — дейди Учсурик райони ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Неъмат Холматов. — Унинг ҳар бир сонини шахсий таркибимизга уюшган ходимларимиз интиқлик билан қутушади. Айни

пайтда республикамизнинг бошқа районларидаги ҳамкасблари тақрибасидан огоҳ бўлишади. Шу бонсдан улар мазкур газетага келгуси йил учун юз фоиз обуна бўлишди.

К. МУҲАММАДРАСУЛОВ,
Фарғона вилояти.

Сиз кутан, кутмаган хабарлар

СОТУВЧИ «ИНСОФЛИРОҚ» ЭКАН

Жиззах вилоятидаги Хайдаробод матлубот жамиятига қарашли 35-дўкон сотувчиси Гулбаҳор харидор бўлмиш Дилоромнинг ҳақидан оз эмас, кўп эмас — 114 сўму 25 тиини «уриб» қолди. Бу иқтисодий жиноятчиликка қарши курашувчи ходимларни бефарқ қолдирмади. Сотувчининг уйини тинтиб кўришга қарор қилишди. 302 минг 245 сўмлик ранго-ранг кийим-кечаклар топилди. Шубҳа янада кучайиб, дўконни тафтиш қилишни бошлаб юборишди. Мудир лавозимида ишлаётган Сафарали 11 минг 300 сўмлик камомадини яширолмай мўлазам бўлди. Гулбаҳор эса мударга нисбатан «инсофлироқ» экан, камомади «атиги» 2 минг 30 сўмни ташкил этди.

КАМОМАД ҲАМ КУПОН БИЛАН

Арносой районидаги «Наврўз» аралаш моллар дўкони мудири Давлатбек ароқни қайта нархлаш пайтида бу молтопар маҳсулотнинг 81 минг 194 сўмлигини яшириб қўйди. Аммо ғойибдан келадиган 31 минг 973 сўм текий даромадни ўйлаб, оғзининг танаби қочиб юганида, сирини фаш бўлди. Дўкон тафтиш қилинаётганда эса 302 минг 235 сўм камомад, чиқди. 290 минг купон ҳам бундан мустасно эмас.

«КАПАЛАК» ГЎШТИ СОТИЛМАЙДИ

Танийсизми-йўқми, Урганч шаҳридаги ҳайвонларнинг касалликларига қарши кураш станцияси бошлиғи Саъдулло юлдузни бенарвон урадиган-

лар хилидан. Аммо яқинда қилмиш-қидирмиш деганларидек, унинг ўзи «урилиб» кетди. «Ишбилармон» шу шаҳардаги «Капалак» кичик корхонаси хизматчиси Бекбергана гўшт билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат тақдим этиш эвазига икки минг сўмни кўртдай санаб олаётганди.

ИЖРОЧИНИНГ «ИЖРО»СИ

Мирзо Улуғбек райони халқ суди ижрочиси Мамараззоқ Жиззах вилояти халқ суди қарорига асосан давлат ҳисобига ўтказилган автоуловнинг техник паспортини уч минг сўм эвазига қайтариб бермоқчи бўлганди, аммо пора билан қўлга тушди.

ЖАЗО ҲАМ «АРРА» БУЛАДИ

Шу йил 20 апрель куни Ўзбекистон металлургия корхонаси рўпарасида темир-қурилиш материаллари ортилган 20-26 ТШР рақамли «КамАЗ» тўхтатилди.

Рулни бошқараётган Бекободдаги 16-автокорхона ҳайдовчиси Ҳамид Норматов ўзини оқлаш учун ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади.

Мана, ниҳоят ҳамма нарса ойдинлашди. У шу корхона смена устаси Шарофиддин Иброҳимов билан жиноий тил бириктириб, 28,7 тонна, яъни 364 минг 700 сўмлик тайёр маҳсулотни ўғирлаган ва бирорта ширкатга улгуржи нархда сотишни ихтиёр этган.

Уларнинг ниятлари — тушадиган фойдани «арра» қилишмоқчиди. Начора, энди суд ҳайъати белгилайдиган жазони тенг бўлиб олишларига тўғри келади.

САЁХАТЧИЛАРНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Аэропортда «Самарқанд-Симферополь» ҳаво йўли орқали сайёх сифатида Туркияга кетаётган Самарқанд қўшма қурилиш корхонаси ишчиси Т. Г. Кримова, «Мароқанд» савдо корхонасининг бош иқтисодчиси С. А. Кузнецова ва ҳеч қаерда ишламайдиган М. Н. Трудовая текширувдан ўтказилди. Улар сафарга ўзлари билан 280 грамм қўйма олтин, 1 килограмм кумуш, 1250 америка доллари, 32 минг сўм пул, 90 дона копток, 300 дона устара, 10 дона «Альпинист» радиоси, 480 қути Америкада ишлаб чиқарилган сигаретлар, телефон аппаратлари ҳамда бошқа кўплаб электр асбоблари олиб кетаётганлари аниқланди.

Текширувлар давомида М. Трудовая 280 грамм қўйма олтинни Самарқанд шаҳар «Уста» номли қимматбаҳо материалларни қабул қилувчиси П. В. Григорянцдан 350 минг сўмга сотиб олгани аниқланди. Григорянцнинг уйи тинтув қилинганда 7 донна бриллиант тош, ҳар хил ниқоҳ узуклар, тилла занжирлар, 20 минг сўм пул топилди.

Фуқаро Кримова эса 1 килограмм кумушни «Замон» номли геология-қидирув ширкатида бўлим бошлиғи бўлиб ишловчи И. Григорянцдан ўрнига мол келтириб бериш учун қарзга олган. Унинг уйи тинтув қилинганда 45 минг сўм пул, 59 дона қадимги араб ёзувидаги тилла тангалар топилди. Уларнинг устидан жиноий иш кўзғатилди.

Қодиржон
МУҲАММАДЖОНОВ,
милиция майори.



Давлат автомобил назорати ходимлари огоҳлантиради.

Эҳтиётсизлик, шошма-шошарлик, манманлик, шунингдек ичкиликбозлик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Ҳеч вақт маст ҳолда машинангизни ҳайдаманг! Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинг! Акс ҳолда...



«Қорадори-92» тадбири давом этмоқда

Газетамиз мазкур тадбирнинг бориши ҳақида мунтазам мақолалар бермоқда. Бу гал сўз Ўзбекистон Республикаси ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси гиёҳвандлар ва наркотикларни ноқонуний олиб сотувчиларга қарши кураш бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Ж. Жўраевга. — Даставвал ишнинг ташкилий томони ҳақида бир неча оғиз сўз. Кейинги йилларда Ўзбекистонда гиёҳвандлик муаммоси анча кескинлашиб бормоқда. Шунинг учун бу ҳолнинг иккимоний жиҳатдан хавфлилигини эътиборга олиб, республика ички ишлар идоралари қонунга зид равишда наркотик моддаларни ўсимликлар экилган жойларни аниқлаш ва уларни йўқ қилиш ҳамда наркотик моддалар сотадиган шахсларни фош қилишга қаратилган бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Ўзбекистон вакиллари Мустақил давлатлар ҳамжамияти (МДҲ) ички ишлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигини янада яхшилаш мақсадида Москвада бўлиб ўтган амалий учрашувда иштирок этдилар. Унда гиёҳвандлик тарқалишини олдини олиш бўйича биргаликда ҳаракат қилиш бўйича ва зиммага олинган мажбуриятлар юзасидан битим лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шундан бир оз кейин республикамиз ИИБнинг таклифига биноан Ўш шаҳрида худди шундай учрашув бўлиб ўтди. Унда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, шунингдек Қирғизистон ва Тожикистон республикаларининг ички ишлар идоралари ходимлари республикалар чегараларидан шундай моддалар олиб ўтувчиларни аниқлаш ҳамда

уларнинг йўлига тўсиқлар қўйиш бўйича биргаликда қилинадиган ҳатти-ҳаракатларнинг барча жиҳатларини муҳокама қилдилар. Тошкент ва Самарқандда БМТ делегацияси — наркотиклар устидан халқаро назорат ўрнатувчи махсус комиссияси қабул қилинди. Бевосита алоқалар давомида тегишли ҳужжатлар, шу жумладан БМТ учун республикада гиёҳвандликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисида, бу

курашни олиб бораётган махсус бўлиналарга зарур моддий-техникавий ёрдам кўрсатиш бўйича таклиф киритилган ахборот ҳам тайёрланди.

«Қорадори-92» тадбири бошланмасдан олдин ички ишлар идораларининг барча бўлиналарида куч ва воситалар, уларнинг жойлаштирилиши ўрганиб чиқилди, ҳар бир бўлинма фаолияти натижаларини, гиёҳвандлик соҳасидаги ўзгаришларга уларнинг мослаштирилиши ни баҳолаш учун район, шаҳар, транспорт ички ишлар бўлимлари, бошқармалари ва ИИБда чорак якунларини чиқариш жорий этилди. Июнь ойида республика Мудофаа вазирлиги билан ҳарбий ҳаво кучларининг вертолётларидан кўноризорларни аниқлаш ва йўқ қилишда фойдаланиш масаласи ҳал этилди. Автомобиль йўллари, автомобиль ва темир йўл шохбекатлари, аэропортларда наркотик моддаларни олиб чиқиб кетиш йўллари тўсиб қўйилди.

Энди баъзи дастлабки якунлар ҳақида. Фақат икки ой (май-июнь) давомида 241 нафар наркотик ташувчилар ушланиб, улардан 200 килограмм ана шундай модда тортди олинди. Оператив ходимларнинг пухта иш олиб боришлари натижасида Бухоро вилоятининг Олот районидан Самарқанддан Туркманистонга машинада бир килограмм қорадори олиб кетаётган уч жиноятчи, Самарқанд вилоятининг Қўшра-

бот районидан эса икки килограмм қорадори билан яна бир чайқовчи қўлга олинди. Энди тугатилган ишлар хусусида. Ўтган йилнинг ёзида Сирғали район ички ишлар бўлими ходимлари 10-қурилиш бошқармасининг ишчиси В. Агибалов бошқариб бораётган «Жигули» машинасидан уч килограмм марихуана топиб олган эдилар. У оғу олиб келиб сотиш билан шуғуллангани учун беш йил озодлидан маҳрум этилди.

Жиноят-қидирув бўлими ходимлари ўша пайтнинг ўзида Қўшра районидан иштирок қилувчи К. Шерматовнинг уйдан тўрт килограммдан ортиқ кўноризор, ҳовлисида эса экилган наشا майдонини топиблар ва йўқ қилиб юбордилар. Бу қилмишлари учун К. Шерматов тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Келинг, яна бутунги кунга қайтайлик. Жойларда ИИБ махсус бўлимаси вакиллари иштирокида ўтқа-

зилган тадбирлар натижасида 3221 жойда кўноризор экилган майдонлар аниқланиб, умумий ҳисобда 150 гектар кўноризор йўқ қилинди. Бу ўтган йилдагидан деярли учдан бир марта кўп. Уларнинг 70 фоизини фош этишда авиатехникадан фойдаланилди. Оқибатда ўнлаб тонна наркотик модда ишлаб чиқарилишининг олди олинди. Наркобизнес корчалонлари кўп миллионлик фойладан қуруқ қолишди. Қонунга қарши равишда оғу етиштирилганлиги учун бир

район бўғини раҳбарлари наркотик моддалар хом ашё базасини йўқ қилиш тадбирларини маънавий ва моддий техника воситалари билан таъминлашга ёрдам бериш, идора, жамоат тузилмаларини гиёҳвандликка қарши курашга янада кўпроқ жалб қилиш ўрнига бутун оғирликни аввалгидай милиция зиммасига юклашга ҳаракат қилмоқдалар. Биз Навоий, Сурхондарё вилоятлари ҳокимиятлари раҳбариятларини назарда тутяпмиз. Қолбуки, айни мана шу вилоятларнинг ҳудудида кўноризорлар айниқса кўп.

Шу билан бирга милиция ходимлари катта майдондаги кўноризорларни ёғоч, энг яхши ҳолларда эса ўроқ билан йўқ қилишларига тўғри келмоқда. Сарисой районидан Т. Ҳақимов раис бўлган Охунбобоев номли жамоа хўжалигида, Хатирчи районидан С. Шодмонов раҳбар бўлган «Олтинсой» давлат хўжалигида, Бахмал районидан А. Дўснев раҳбарлик қилаётган «Ўзунбулок» давлат хўжалигида милиция ходимлари кўноризорларни шу усулда йўқ қилишга мажбур бўлдилар.

Айни пайтда тадбирларда фаол иштирок этиб, барча имкониятларини ишга солаётган идора ва ташкилотларни тилга олиб ўтиш даркор. Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида, Тошкент шаҳар наркология диспансерида, Қашқадарё вилоятидаги Китоб райони ўрмон хўжалигида Самарқанд вилояти Ургут район ҳокимиятида ишлаётган ўртоқларга гиёҳвандликка қарши кураш борасида қўшган ҳиссалари учун ташаккур изҳор қилади. Лекин хотиржамликка ўрин йўқ. «Қорадори-92» тадбири давом этмоқда.

А. СТЕПАНОВ ёзиб олди.

ХОТИРЖАМЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Хизматларда

Улар бир шиша ароқ устида жиноий гуруҳга айланишди, десак эҳтимол тўғри бўлмас, лекин илк қабиҳ режалари худди шу ҳолатда туғилди.

1990 йилнинг 7 февралга ўтар кечаси. Захроҳон жамани Бекмирза, ўғли ва унинг ўртоқлари — Рустам, Баҳодирлар билан қадаҳ уриштироқда. Кўзларини маккорона сузиб, илондай авраб йигитларнинг кўнглига қўл солди. Гапни узокдан бошлаб, яна бўш пиёлаларга ароқ қўйди. Аёлининг тузоғи панд бермайдди. Хурмачасини текин билан тўлдирётган бу шоввозлар онаси тенги зотнинг меҳрибон, саҳийлигини нима биландир оқлаш кераклигини тушунишарди.

Захроҳон ҳам улардаги мойиллиқни сезди-да, анчадан бери пиштиб юрган ниятларини аста дастурхон қила бошлади. Ора-сира йигитларнинг гурури, шайнига тегиб ўтишни ҳам унутмади.

Қизиққон, устига-устак кайф таъсиридаги ёшлар аёлининг шаймасига тушуниб, шу бугуноқ «ишга» боражакларини билдиришди.

Аёл улардаги иштиёқни сўндирмаслик учун дарҳол машина тодиш ҳаракатига тушди. Таниши Бобурнинг олдида бораркан, ишнинг қутилгандан ҳам зиёда бўлганига ишонгиси келмасди. «Албатта, бирор нарса қилиш керак. Майли, катта бўлмасин, фақат ишқалсиз амалга оширилса бўлган. Бу билан тентаклар турган йигитларни олдида, Қани, кейин гиринг, деб кўришсин-чи!»

У танишининг уловини сўраркан, эртагаёқ зиён-заҳматсиз етказишга ваъда берди.

Уйига қайтиб, шайланиб турган йигитларни олдида, аввалдан чамалаган А. Иномовнинг ҳовлиси томон олиб кетди.

Захроҳон Бекмирза билан машинада қолди. Ўғли Ботир, Рустам ва Баҳодирлар девор ошиб, ичкари киришди. Ботир қазноқда, Рустам молхонада «ишлаб» бошлади. Баҳодир эса эшик ёнида «қулоқ» бўлди. Рустам сизирни етаклаб чиқди. Дарвозага етганда жонивор арқонни бир силтаб, ҳовли томон шаталоқ отиб қолса... У қўли қуруқ машинага яқинлашганда, Ботир 8 жуфт калиш, 25 дона кир совун, 10 кило олма қоқиларидан иборат ўлжасини кўз-кўз қилаётганди.

Захроҳоннинг кўзига булар хас-чўпдай ҳам кўринмади.

— Рустамжон, сени мен йигит десам, лапашанг экансан-ку. Йигит деган ушлаганини узарди. Воҳ, воҳ, воҳ. Афсус...

Рустам гуноҳини ювиб, эркаклигини исботлаши керак эди. Шу боис ўйламай-нетмай гап ташлади.

— Ҳозир бир уйга борамиз. Мен ўзим кириб чиқаман.

Машина А. Нуриддиновнинг эшигига келиб тўхтади. Рустам паҳса деворга яқинлашиб, уни тепа бошлади. Одам сирадиган ёриқ очди. Бир оз ўтмай катта қўчқорни етаклаб чиқди. Юкхонага жойлаб, ўриндиққа чўқаркан, Захроҳоннинг мамнун қиёфасини кўриб, кўнгли таскин топди. Йўл-йўлакай Т. Убайдуллаевнинг ҳам бир бош қўйини ўмарди.

Эртасига тунги «ов»нинг бароридан келганини ишонлашга йиғилдилар. Жониворлардан бири «омад» учун сўйилди. Маишат тонггача давом этди.

9 февраль кунини Захроҳоннинг «қароргоҳи»га янги нусха таширф буюрди. Ўзининг тақлифларини «қароргоҳ» аъзолари билан ўртоқлашди. Захроҳонга маъқул келдими, демак қолганлари ҳам қувватлашади. Тунда улар Ҳафиз айтган жой-

га йўналдилар. Унинг ўзи йўл кўрсатиб борди. Малика «вазир» Бекмирза билан машинада қолди. Тўрт шарпа А. Муҳитдиновнинг ҳовлиси томон йўрғалади. Рустам девор ошиб дарвозани очди. Баҳодир, Ботир — пойлоқчи, Рустам ва Ҳафиз — «тозаловчи». 83 килограмм лимон, икки банка қаҳва, бир неча қути чой тун қоронғулигида юкхонага жойланди. Лимонлар сотилиб, қаҳва ва чойларни ўзлари истеъмол қилишди.

1990 йилнинг 31 марти. Рустам ва Каримлар «онахон»нинг оқ фотиҳасини олиб йўлга чиқишди. Н. Раҳмоновнинг икки бош бузоғини етаклаб келишди.



Жиноят-қидирув

«Онахон» жониворларни боғларкан, йигитларни тоза алқади. Кейинчалик уларни пуллаб, ҳар кимга тегишли улушини берди.

14 апрель. Бу кунга келиб, гуруҳга Саидмурод, Ҳасан, Мурод, Икром, Қайом исмли янги нусхалар қўшилган эди.

Икромнинг шахсий «Москвич»и, Саидмуроднинг қирқма милтиғи мазкур гуруҳнинг «катта иш»ларни амалга оширишига қўл келадиган бўлди. «Онахон» ҳар доим танишининг машинаси билан фойдаланолмасди-да.

Хуллас, ўша 14 апрель кунини Рустам, Карим, Саидмурод, Ҳасан, Мурод, Икром ва Қайомлар «Онахон»нинг уйдан йўлга чиқишди. Аёл уларни ўзгача энтиқиш билан кузатиб қолди.

Икром автомашинасини «объект»га етмай тўхтатди. У ёнига ҳамтовоклар шарпасиз, пиёда кетишди. Босқинчилар ичкари ётоқхонага киришгандагина уй соҳибни А. Иномов уйғониб, қаршилиқ кўрсатишга уринди. Бироқ Саидмурод унинг бошига кичкина темир ўғир билан чунонам туширдики... Хотиннинг эса қўлоқларини боғлаб, устига кўрпа бостирдилар. Саидмурод тахмондаги кўрпаларни ағдарди. Орасидан 7,5 минг сўмлик 3 фозили заём қоғозлари чиқди. Ҳасан чинни чойнак ичидан 5000 сўм пул топди. Қайом ҳам қараб турмай ўзи ўтирган кўрпа тагидаги аёлининг қўлидаги тилла узугини ечиб олди.

«Ютук» дабдабали ишонланди. 18 майгача «Онахон» яна бир хонадонни ишонга олди. Шу кунини ҳар галдагидек «шер»ларини кузатар экан, обдон елкаларига қоқиб алқади.

Улар А. Акромовнинг уйига бостириб кирдилар. Ҳасан уй соҳибининг қўлларини қайирди. Карим ва Қайомлар уни боғлашаётганларида Саидмурод ва Рустам аллақачон тинтув-

ни бошлашганди.

Турли-туман 3 минг сўмлик лаш-лушлар Захроҳоннинг қўлига топширилди. Улар орасидаги ароқ, коньяклар эса маишатга асқотди. 2 июнда жиноий гуруҳ аъзолари «Онахон»нинг таниши Бобурдан олган «ВАЗ-2101» белгили машинада сафарга чиқишди. Қумқўрғон қишлоғида Т. Раҳимовнинг қорамолини машина юкхонасига босиб олиб кетишди.

Орадан икки кун ўтгач, улар Чортоқ туманида пайдо бўлишди. Т. Худойназаровнинг уч бош қўйини «тинчатишиб», қароргоҳга элтдилар. Яқинда кунини «Онахон» улардан бирини «базми-жамшид» учун сў-

ларини чандиб, ҳаммаёқни алғов-далғов қилишди. Нақд икки минг сўм пул, уч минг сўмга яқин буюмларни қўтариб, бир нафасда жуфтанин ростладилар.

Нарсалар сотилди. Пул ўртада баҳам қўрилди.

4 июлга ўтар кечаси «шер»лар «Онахон»нинг кўрсатмаси билан тагин «овга» бордилар. Қурилиб битмаган ҳаммом деворини тешиб, ҳовлига ўтишаётганда уй эгаси В. Усмонов ширин уйқуда эди. Саидмуроднинг қўлида қирқма милтиқ, Улуғбекининг қўлида тўппонча бўлишига қарамай, Қайом қўлига гишт олди. Ётоқхона тўрида эру хотин. Улар кароватга яқинлашибди. Қайом қўлидаги гишт билан эркакнинг калласига туширди. Қичқирқан уйғонган аёл эса бўғзига тиралган милтиқ нилидан бақариш у ёқда турсин, қимирлашга ожизлик қилди.

Босқинчилар хонадаги нарсаларни ағдариб тит-титни чиқаришаётган вақтда Саидмурод шериклари томон бошини бурди. Бундан фойдаланган аёл милтиққа жон-жаҳди билан ёпишаркан, қичқира бошлади. Нариги хонада ётган фарзандлар уйғониб ёрдамга югурдилар. Шарпалар тумарақай қочишга тутинишди. Уй эгалари уларнинг ортидан ҳовлига чиқишди. Дарвозага етган Улуғбек шартта тўхтади-ю, тўппончасидан ўқ узди. Қувишга тушганлар бир зум қотишди. Бу фурсат «шер»ларнинг уловга ўтириб «қуён» бўлишига кифоя қилди.

Аммо тезда ўзларини қўлга олган уй эгалари «қочоқлар»нинг кетидан қувишди. Муюлишдаги машинанинг рақами ва белгиси уларнинг назаридан қочмади. Фурсатни бой бермай ички ишлар бўлимига хабар бердилар. Отилган ўқ овозидан қўчага чиққан қўни-қўшнилари милиция ходимлари келгунга қадар жойларидан жилишмади. Ҳар ким ўз кўргани, билганини тўкиб солди. Тезкор гуруҳ иш бошлади.

Йил бошидан гуруҳ содир этган жиноятлар таҳлил қилиниб, воқеа содир этилган жойидан олинган бармоқ излари, ашёвий далиллар батафсил, синчиклаб ўрганилди.

Юқорида жабрланганларнинг деярли барчаси босқинчи йигитларнинг кўринишини айнан бир хил «чи-зиб» беришди. Улар асосида шахсларнинг сурати ишланди. Натижада энг аввало Қайомга чиқилди.

Захроҳон тўдадагиларнинг ёши катта-кичиклигига қарамай, исмига «шер» деб қўшиб гапирини ёқтирарди. Бу йигитларни илҳомлантирувчи бир восита эди-да. Рустамшер, Шерикром ва ҳ. к. Улар ҳам ўз ўрнида Захроҳонни «Онахон» дейишарди. Ахир, у олти нафар фарзанднинг онаси эди. Бироқ қарамонда шунча жон бўла туриб, ҳеч қаерда ишламас, ажрашиб кетган эридан олади-ган нафақа пулига кўз тикиб ўтирарди. Кейин эса юқоридаги машмашаларга, жиноятларга бош-қош бўлди.

Аслида Бекмирзани бекорга «вазир» қилмаганди. Негаки, иккиси ҳам 1951 йилда туғилишган. Кўпдан синашта. Қонунсиз яшаб келишарди.

Ўн тўққиз нафар нияти нопок кимсалардан тузилган мазкур жиноий гуруҳ фаолияти Наманган шаҳар ИИБ ходимларининг саёй-ҳаракатлари туфайли барҳам топди.

Ушбу жиноятларни очишда қатнашган ходимларни номма-ном зикр этишга эса ҳожат йўқдир, деган фикрдамиз. Зеро, бу уларнинг вазифалари, бурчлари эди.

М. ИБРОҲИМОВА.

БИРЛАШСАК
ЎЗАМИЗ

Ўғирлик. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги экспертиза-криминалистика бўлими (ЭКБ) эксперти гумондор шахс пойафзалидан олинган майда тупроқ заррачаларини диққат билан текшираётганда, оддий суступроқ орасидан қандайдир ўсимликнинг уруғи чиқиб қолди. Уни Фанлар Академияси ботаника илмгоҳи мутахассисларига кўрсатилди. Муҳим ахборот олинди — у ноёб гулнинг уруғи бўлиб, бундай гул Ўзбекистонда ўғирлик юз берган уй ёнидаги богдагина ўстирилган экан...

Ҳар бир эксперт ўз иш фаолиятидан шунга ўхшаш ўнлаб мисоллар келтириши мумкин. Республика бўйича ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистикалари ҳар йили жиноят содир бўлган 15-20 мингта жойини текширадилар, ашёвий далиллар бўйича 35 мингдан ортиқ экспертиза ва текшириш ишлари ўтказадилар, умуман олганда 100 мингдан ортиқ ҳар хил тергов ишлари ва оператив-қидирув тадбирларида иштирок этадилар. Улар орасида оддийлари ҳам бор. Аммо баъзан шундай ҳолга дуч келинадики, бир тўхтама келишдан олдин қаттиқ бош қотиришга, олимлардан маслаҳат олишга, энг замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишга тўғри келади.

Ишчи эски уйни бузаётганда, латтага ўралган қумуш тангалардан иборат хазина топиб олди ва давлатга топширди. Лекин бир «хайрихоҳ» ўзича фол очди: гўё ишчи хазинани топширишдан олдин ундаги тилла тангалардан бир қанчасини олиб қўйган. Ядро-физикавий усуллар қўлланиб ўтказилган пухта ўрганишлар, тергов тажрибасиновлари орқали бу гаплар бўғтон эканлиги исбот қилинди.

Бугунги кунда ички ишлар идораларининг энг қудратли эксперт базиси бу — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг эксперт-криминалистика бўлими бўлиб, у барча турдаги анъанавий криминалист ва айрим махсус (физикавий-химёвий «озик-овқат ва биологик») экспертизаларни ўтказишга қодир. Ёнги-техника лабораторияси ташкил этилди. Бошқа турдаги экспертизаларни йўлга қўйишни ташкил этиш масаласи ҳам ҳал қилинмоқдаки, уларнинг ҳаммаси амалга ошса ашёвий далилларни текшириш бўйича тергов ва оператив идораларнинг барча топшириқларини бақариш имкони туғилади. Шунга қарамай бизнинг назаримизда, ишчи ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тасарруфидан барча эксперт муассасалари ўзаро ҳамкорлигининг шакл ва усулларини тубдан қайта қўриб чиқиш зарур. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Адлия вазирлигининг Х. Сулаймонов номидаги суд экспертизалари илмий-тадқиқот илмгоҳи, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббиёт экспертизаси бюроси, Мудофаа вазирлигининг суд-тиббиёт лабораторияси билан астойдил ҳамкорлик қилишга тайёр. Республиканинг илмий-ишлаб чиқариш қуввати Ўзбекистонда криминал вазиятни яхшилаш ишидан четда турмаслиги керак.

Г. НИКУШИН,
ИИБ эксперт-криминалистика бўлими бошлигининг ўринбосари милиция подполковниги.

Мусохаба, мунозара, таклиф

«ДАНга қатнайвериб чарчадим, оладиган жавобим: «Эртага кел, индинга кел». Ахир айбон нимада? Ўзим II-гуруҳ меҳнат ногирони бўлсам. Қатнашлар жонга тегиб кетди-ку! Сиздан ёрдам кутаман.

С. ТОРЕЕВ,

Қўнғирот шаҳри.

Овораю-сарсонгарчилик жонидан ўтгач, одам қўлига қалам олиб «юқоридагилар»га дардини тўкишга мажбур бўлади. Оворагарчиликлар эса кўп ҳолларда бир томоннинг етарли тушунтира олмаганидан, иккинчи томоннинг тушунмаганидан, айримларнинг эса тушунишни истамаганидан келиб чиқади. Мабодо бунга у ёки бу тарафнинг кўполлиги, қўрслиги ҳам қўшилса борми, энди «юқорига» чиқмаслиқнинг сира иложи йўқ.

Қорақалпоғистонлик С. Тореев вазирлиқнинг ДАНБга йўллаган мактубда шахсий автомашинасининг техник паспортини йўқотганлиги ва уни тиклаш учун бир неча ойдан буён овора бўлаётганлигини алам билан таъкидлади.

Текширишлар давомиди С. Тореевга қонун бўйича 3 ойга вақтинчалик техник паспорт берилгани, аммо муддат хусусида ДАН ходимлари томонидан тушунтириш берилмагани маълум бўлди. Оқибатда бир неча бор район ИИБ ДАНга, сўнгра «юқорига» мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Табиийки, С. Тореев каби техник паспорт ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини йўқотиб, ДАНБларига мурожаат қиладиганларнинг аксарияти у ёки бу ҳужжатни тиклашдаги қонун-қоида-

лардан беҳабардирлар. Вақтинчалик билан доимий ҳужжатлар ўртасидаги муддатлар бундан мустасно эмас.

Шундай экан, жойларда фуқаролар билан ишловчи ҳар бир ходимдан ҳушмуомалалик, эътибор ва кенг тушунтириш ишлари олиб бориш талаб қилинади. Маълумки, зарурати, ҳаётининг эҳтиёжи бўлмаса, ҳеч ким бекорчиликдан маҳкам ва идоралар эшигига қадам босмайди. Унинг остонасида сарғайиб ўтириш

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда фуқаролар воқеанинг тағ-замирига етмай ДАН ходимларини айблайдилар. Мана бир мисол.

Шу йилнинг 3 июнида фуқаро Ф. Бахтиёровдан ДАНБга шикоят хати келган.

Унда 1991 йилнинг декабрида Тошкент райони ИИБ ДАН ходимлари томонидан ИХҚ (Йўл ҳаракати қондаси)ни бузганлиги учун унинг ҳайдовчилик

Бундай ҳолатлар кўп бўлмаса-да, учраб туради. Юқоридagi воқеада, табиийки, ДАНБ ходимларининг айби йўқ. Аҳволдан беҳабар Ф. Бахтиёровнинг ҳам. Бироқ ўртадаги сарсонгарчилик, сан-манга боришлар юқорига ёзишга олиб келган.

Эҳтимол, ҳар икки ДАНБ ходимлари воқеага жиддийроқ аҳамият беришганда, гувоҳноманинг аллақачон йўлда йўқолганини аниқлашган, Ф. Бахтиёров ҳам тезда янгисини олиб, аса-

Уни тиклаш учун ИИБ ДАНБга келиб умумий тартибда имтиҳон топшириб, янгисини олишингиз мумкин», деган мазмунда жавоб берилган. Бизнингча, бу жавобни изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бироқ И. Заргаров жавобдан қониқмай ИИБ ДАНБ бошлиғи номига хат йўллаган.

Шу ўринда таъкидламоқчимизки, давлат идорасини ҳужжати шунчаки қороз эмас. Учраганга тақдим этилавермайди. Муомалада эҳтиёткорлик ва катта эътибор талаб қилади. Устига-устак бир қанча бурч ва масъулиятларни юклайдики, бу билан ҳисоблашмоқ шарт.

Ушбуни фуқаролар онига етказиш ходимлар зиммасидадир.

... Хатлар. Аризалар. Шикоятлар. Ҳар бир хат орқасида тирик жон бор. Унинг ташвишлари, ечимини тополмаётган муаммолари. Аммо чуқурроқ мушоада юритсак, аксарият фуқароларнинг умуман мавжуд қонун-қоидалардан мутлақо беҳабарлигини билиш қийинмас.

Қайсики, ДАНБ ходимлари фуқаролар билан муносабатини, муомаласини тўғри йўлга қўйган, уларнинг эҳтиёж, талабларига ҳам қонуний, ҳам инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошаркан, ўша жойларда «юқорига» сакрашлар кузатилмайди. Бу мушоада юритадиган мавзу. Шундай экан, яна бир бор эслатамиз, «одамларни овора қилманг!».

А. СУЛАЙМОНХУЖАЕВ,
ИИБ ДАНБ тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи, милиция майори.

ОДАМЛАРНИ ОВОРА ҚИЛМАНГ!

ҳеч вақт бировга хуш ёққан эмас. Айниқса, ИИБда. Аммо келувчилар ҳожатини қайси идоранинг қай тариха чиқаришига қараб бўрси ошишини назардан қочирмаслик керак. Бу ерда кўрсатилган муомала ва эътиборнинг баҳосини фақат ана шу келувчиларгина беришга ҳақлидирлар.

Шу боис фуқарони тинглаш, ўзининг ва ўзганининг одобини жойига қўйиш милиция ходимларининг асосий диққат марказида турмоғи лозим. Нега дерсиз? Негаки, бу биринчидан одамларнинг милиция ҳақида фикрини ўзгартирса, иккинчидан оворагарчиликлардан, қанчалаб асаббурзарликлардан ва ундан туғиладиган «юқорига» чиқишдан сақлайди.

Тўғри тушунтиришда гап кўп. Ва ҳар ким ҳам бунинг уйдасидан чиқолмайди.

гувоҳномаси олиб қўйилгани ва шу пайтгача гувоҳномаси топилмаётгани, 5-6 ойдан бери почта, шаҳар ва район ДАНга қатнаб, сарсон бўлаётгани ёзилган.

Яна текшир-текшир бошланди.

Натижада эса фуқаро Ф. Бахтиёровнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси Тошкент районидан пойтахт шаҳар ИИБ ДАНБга юборилгани, йўлда 100-алоқа бўлимида йўқолганлиги аниқланди. Ҳужжатнинг алоқа ходимларининг айби билан йўқолгани ҳисобга олиниб, Ф. Бахтиёровга ҳайдовчилик гувоҳномасининг қайта тикланган нусхасини имтиҳонсиз бериш хусусида шаҳар ИИБ ДАНБ бошлиғига кўрсатма юборилди.

Республика алоқа вазирлиги ҳам воқеадан хабардор этилди.

бийлашмаган, сўнги чора, деб ИИБ ДАНБ бошлиғи ҳузурига шошилмаган бўлармиди.

Гурланлик И. Заргаров (бизни кечирсинлар) кўп йиллар ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Ҳозирда I-гуруҳ ногирони, оёқ-қўли шол. Бир вақтлар ҳайдовчилик гувоҳномасини Гурлан райони ИИБ ДАНБ ходимлари олиб қўйган экан. Шу-шу уни қайтариб олишга ҳафсала қилмабди. Бугун болалари, неваралари қачонлардир унинг ҳайдовчилик қилганига ишонмаётган экан. И. Заргаров бунинг исботлаш учун ҳужжатини қайтаришларини сўраб ИИБга мурожаат қилибди. Унга «Сизнинг ҳайдовчилик гувоҳномангиз ДАНда сақлаш муддати тугаганлиги сабабли СССР ИИБнинг 6 январь 1987 й. буйруғига асосан 23.02.91 й. ёқилган.

ЖПК - ДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
АДОЛАТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши шу йил 3 июлда Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилди. Мазкур Қонун билан ЖПКга бир қатор янги қоидалар киритилган бўлиб, уларни республиканинг барча милиция ходимлари билишлари керак.

Энг аввало шунини айтиш керакки, жиноий ишлар юзасидан суриштирув, тергов ва суд жараёни ўтказилаётганда жараён қатнашчилари ҳамда ўзга шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўришни Қонун бундан буён суриштирув идоралари, терговчи, прокурор ва суднинг зиммасига юклайди. Жиноий ишнинг кўриш жараёнига жалб этилган жабрланувчилар, гувоҳлар ва бошқа шахслар айбланувчи, унинг шериклари ва қариндош-уруғлари томонидан қилиниши мумкин бўлган жинояткорона таҳдидлардан ўзларини ҳимояланган деб ҳис қилишлари жуда ҳам муҳим. Қонун жараён қатнашчиларининг хавфсизлиги учун кўриладиган чора-тадбирлар моҳиятини очиб бермайди ва ўйлайманки, бу чора-тадбирларнинг ҳаммасини Қонунда кўрсатишнинг иложи ҳам бўлмаса керак. Муҳими, улар реал ва самарали бўлиши даржор. Энди ҳар бир гувоҳ терговчи ва суддан ўзининг шахсий хавфсизлиги таъминланишини талаб қилиши мумкин. Бу жиноятни кўриб чиқиш жараёнида

гувоҳнинг фаоллигига ижобий таъсир кўрсатади деб ўйлайман.

Бошқа янгилик. Мазкур Қонун республика ЖПКга биринчи мартаба телефонлар ва бошқа сўзлашув қурilmалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш орқали далиллар тўплашга қаратилган тадбирларни киритмоқда. Бу тадбир фақат гумон қилинаётган шахс ва айбланувчига нисбатан қўлланилади. Айни пайтда ҳатти-ҳаракат қонун доирасидан чиқмаслиги учун маълум кафолатлар билан чегаралаб қўйилган: ушбу тадбир прокурорнинг рухсати

Янгилик шарҳи

билан суриштирув идораси ёки терговчининг қарорига биноан ёхуд суднинг ажримига кўра амалга оширилиши мумкин. Қонун телефон орқали ва бошқа хил сўзлашувлар тартибининг белгилаб берган. Эшитиш терговчи, суриштирув ўтказиётган шахс, прокурор ва судья ёзган топшириқномага асосан ўтказилади. Топшириқнома ички ишлар идораси ёки миллий хавфсизлик хизматининг бўлимига юборилади. Сўзлашувларни эшитиш олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Тадбирни ўтказишда магнитофондан фойдаланиш мумкин, лекин бу ҳақда баённома тузилади.

ЖПКдаги яна бир янги қоида амалиётчилар ўртасида авж олган ҳимоячи қачондан бошлаб жиноий ишнинг кўришда иштирок этишга қўйилиши мумкинлиги ҳақидаги баҳсга чек қўйди.

Қонунда ҳимоячини таклиф қилиш, меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби анча муфассал баён қилинган. Шуниси муҳимки, гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчи исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлиги, аммо ҳимоячининг бундай имтиёзга эга эмаслиги Қонунда аниқ қайд этилган.

Қонунда кўп қоидалар янги тахрирда берилган. Уларнинг бир қисми судга тааллуқли. Мазкур қоидалар орасида энг муҳимлари қуйидагилар: энди айблов хулосасининг кўчирма нусхаси фақат судланувчигагина эмас, шунингдек жабрланувчига ёки унинг вакилига ҳам топширилади.

Жабрланувчи, фуқаролик даъвогари, фуқаролик жавобгари ва уларнинг вакиллари судлов музокараларида қатнашиш ҳуқуқи берилган.

Қонунда бошқа янгиликлар ҳам бор, аммо газетада улар ҳақида батафсил ёзишнинг иложи йўқ. Янги қонуннинг тўла матни «Постда» — «На посту» газеталарининг 29 июль сониди босилган.

В. БИКОВ,
ҳуқуқшунослик фаилари номзоди, милиция полковниги.

ОЛМАОТА БИТИМИГА МУВОФИҚ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жиноятчиликка қарши кураш, фуқаролар ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш масалаларини ҳал этишда ўзаро ахборот айланишларини сақлаб қолишнинг объектив заруратидан келиб чиқиб ва собиқ СССР ИИБнинг марказлаштирилган оператив-маълумотнома, қидирув, криминалистика ва бошқа қайдинома ҳужжатларини (улар ҳозир Россия Федерацияси тасаруфиди) тарихан юзга келган шароитларни ҳисобга олган ҳолда сақлаб қолиш ва унинг негизда давлатларaro ахборот жамғармасини яратиш ва ривожлантириш зарурлигини инобатга олиб, 12 давлат ички ишлар вазирликлари ахборот айланишларини соҳасидаги ўзаро муносабатлари тўғрисида Битим имзоладилар. Улар ўз зиммаларига томонларнинг оператив-маълумотнома, қидирув, криминалистика ва бошқа қайдинома ҳужжатлари, автоматлаштирилган тизимлар ва маълумот жамғармалари, архивларида мавжуд бўлган маълумотларни юборилган сўровга асосан бадалсиз тақдим этиш, шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳуқуқий муҳофаза қилиш идораларининг иш тажрибаси ва ўзаро қизиқиш уйғотиладиган бошқа масалалар акс этирилган илмий-техника, ахборот-аналитик ва норматив-методик материаллар айланишларини амалга ошириш мажбуриятини олдилар. Бунда тақдим этилаётган ахборотнинг тўлаллиги ва ишончлилиги таъминланади ҳамда улардан фақат белгиланган

мақсадда, тақдим қилган томоннинг манфаатларига зарар келтирмасдан фойдаланилади. Томонлар ички ишлар идораларини компьютерлаштириш, ахборот билан таъминлашни такомиллаштириш, маълумотлар узатишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш соҳаларида ҳамкорлик қилдилар. Марказлаштирилган оператив-маълумотнома ва дактилоскопия картотекалари, автоматлаштирилган маълумот жамғармалари, криминалистика ва бошқа қайд этиш ҳужжатлари, шунингдек архив ахборотлари (бундан кейин давлатларaro ахборот жамғармаси) Россия Федерацияси ИИБ қарамоғида бўлиб, у ўз зиммасига тегишли мажбуриятлар олди. Давлатларaro ахборот жамғармасининг таркиби ҳар бир томондан жамғармага келиб тушадиган қайд этиш материалларининг миқдорига боғлиқ бўлади ва пайви бўлиш иштирок этиш асосида амалга оширилади.

Ҳар икки Битимда учрашувларини ўтказиш, келишмовчиликларни ҳал этиш, Битимдан чиқиш ва унга кириш тартиби кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ номидан иш тартиби ва Битимни ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Р. Раҳимов имзолади.

Кенгашнинг навбатдаги мажлиси Украина ички ишлар вазирлигининг таклифига биноан шу йил октябр ойининг охирида ўтказилишига келишиб олинди. Унда гиёҳвандликка қарши кураш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масаласи қўриб чиқилиши муҳалламоқда. Кенгаш аъзолари кун тартибининг Кенгашнинг бошқа аъзолари билан келишиб, ишлаб чиқишнинг Украина ИИБга топшириш таклифига рози бўлишди.

Долзарб мавзу

Уни менга «ўзимизнинг Шерлок Холмс», — деб таништиришди. Ушанда тахририятнинг топшириғи билан милиция майори Тохир Халимовнинг вахшиларча ўлдирилиши ҳақида ёзмоқчи бўлиб юрган эдим, лекин «Шерлок Холмс» менга бирор-бир маълумот беришни хоҳламади: «Хали жиноятнинг бўлиб ўтганига бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ, барча ишни қилиб улгурмадик ҳам, ўн беш-йигирма кундан сўнг келинг, бирор нарса айтиб қолармиз». Менинг эса бунча вақт кутишга тоқатим йўқ эди.

Хуллас, Зангиота тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитани Раим Қажомов билан янги суҳбатимиз эски мавзудан бошланди.

— Сизни қайдадир кўргандай бўлаяпман...

— Қарийб бир йил бурун Тохир Халимовнинг ўлими бўйича гаплашгандик.

— Ҳа... ўша ишнинг охири кўнгилдагидек бўлмади.

— Нега? Суд бўлиб, ҳукм чиқидио чамамда? Еки бизнинг газетада шу иш бўйича берган материалларимиз назарда тутаясизми? Унда сизларнинг хизматларингиз айтилмаган.

— Гап айнан ўша ҳукмда. Эшитган бўлсангиз иккала қотилга ҳам ўн йилдан беришди. Энди шу адолатданми? У ахир, одам-ку. Улар қўйни бўғизлашгани йўқ-ку. Айрим камчиликларини бўлган тақдирда ҳам у одам эди, милиционер эди. Қотилларга эса ўн йилдан бериб ўтиришибди. Агар фуқарони шундай қилишганда, аминманки, кўпроқ

мачитдан, чойхонадан пул, у-бу нарсаларни ўғирлаб кетишди. Машина ўғирликлари ҳам бўлди. Шунда баъзи одамлар меласоҳанага танда қўйиб олишди. Ишламайсизлар, текинхўрлар, ўғрилар билан тилларинг бир, деган гаплар билан роса асабга тегилди. Орадан кўп ўтмай ўғирларни топдик ҳам, ишларни судга оширдик. Бунин

си бўлса керак, чунки чет элдаги ҳуқуқ ҳимоячилари ҳақида ўқиганимизда шу нарсалар назаримиз тушиб туради, лекин бу хизматга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмаса керак, албатта.

— Йўқ. Бир-икки кун дил хуфтон бўлса ҳам хизмат барибир хизмат. Айни пайтда муаммо бошқа томондан чиқиб келмоқда. Хўжаликлардаги иқтисодий

қилининг чоралари изланмаяптими?

— Изламоқдамиз. Ҳаммаси пулга бориб тақалавергач, қўлимиздан ҳеч нарса келмай қолаяпти. Хўжалик раҳбарлари участка вакиллари керак эмас, дейишмоқда. Бўлмаса ҳокимнинг кўрсатмаси бор, лекин илжои йўқ нарсанинг илжои йўқда.

ИСМОИЛ суҳбатлашди.

МУАММОНИ КИМ ЕЧАДИ?

қа ҳукм қилишарди. Ҳозир эса милициянинг қадри ерга урилмоқда, холос. Ҳолбуки, қотилларнинг бизда кўргазмалари бор эди, марҳумни уриб қўлларини, оёғини синдиришган, сўнг полосга ўраб, сандиққа солиб ёқиб юборишган. Бу кўтара вахшилик-ку, ахир.

— Бунинг сабаблари яна қонуннинг воқелигимизга мос келмаслигига бориб тақалади. Биз бу ҳақда ёзавериб чарчадик...

— Қонун-ку ўз йўлига, лекин одамларимизни айтаман, уларни кўп пайтда умуман тушуниб бўлмай қолади. Яқинда Зангиотада

қарангки, ўша милиция ишламайди, деб юрганларнинг аксарияти даста-даста қороз кўтариб судга чопиб келишди, булар яхши йигитлар, ўзимизга беринг, ўзимиз тарбиялаб оламиз, деб. Машинаси йўқолганлар эса, биз буларга улловимизни топиб беришгани учун суюнчи берганимиз, деб туриб олишди. Оқибатда, ана, ўғрилар юрибди, милициянинг қўлидан нима келарди, деб. Биз ҳақиқатан ҳам югуриб-югуриб бесубут бўлиб қолаяпмиз.

— Менимча, бу ер юзидagi барча милицияю, полициянинг умумий муаммо

аҳволнинг танглиги оқибатида саккиз нафар участка вакилимизни қисқартириш арафасида турибмиз. Биласизми, ҳозир бир участка вакилини бир йил таъминлаб туриш учун қанча пул керак? Тўқсон етти минг сўм. Бу оз пул эмас. Айниқса, бизнинг хўжаликларга. Улар пахтага икти-сослашганда ҳам бирнаваз эди, лекин сабзавот кераклича даромад келтирмайди. Авваллари қарамнинг килоси йигирма тийин турарди, ҳозир эса олтин тийин. Шундан даромад бўладими?

— Танг аҳволдан чи

ТАХРИРИЯТДАН: чиндан ҳам мусохабада иккита жуда ўткир муаммо кўтарилган. Бир муаллиф айтганидек биз ёзавериб чарчаган мавзу — қонунбузарларнинг тегинлича жазо олмаётгани. Бу бугун, эрта эмас, мавжуд қонунларимиз буткул такомиллаштирилиши жараёнида ҳал этилади.

Иккинчиси эса, табиийки, ҳаммани бирдек ўйлантиради. Хўжаликларда ортиқча пул йўқ, тўғри. Аммо участка вакиллари ниҳоятда зарурку! Муайян ҳудудда осойишталикни таъминлаш бевосита улар фаолиятига боғлиқку! Бу борада сиз, азиз газетхонлар, фикри қандай?

ЛОЙИҲА ТАЙЁР, БИНО-ЧИ?

Жиззах вилояти Зомин райони марказидаги бино бу ердаги шунга ўхшаш қурилишларнинг энг яхшиси бўлмаса ҳам, меъморчилик ёдгорликлари сирасига киради. 1903 йилда бунёд этилган ушбу бинода кўп йиллар давомида район ички ишлар идораси жойлашганининг ўзи ғаройиб бир нарса. Навбатчилик қисми, қўлга олинганларни вақтинча ушлаб туриладиган ер, мутлақо мослаштирилмаган хоналарда жойлашган.

Айтишларича, ўтган йили умумий қиймати 1 миллион 200 минг сўм бўлган янги бино лойиҳаси тузилиб, шунга лойиҳа ер участкаси ажратилган экан. Аммо қурилишга маблағ бериш учун маҳаллий ҳокимиятнинг имконияти йўқ. Афтидан, маблағ топишга унчалик ҳаракат қилишмаётганга ҳам ўхшайди. Балки район ички ишлар бўлимининг иши бунга арзimas?

Бўлим бошлиғи милиция подполковниги Мамадиёр Бойзоқов худди шу саволни кутгандай «изи босилмасдан» очилган жиноят ҳақида гапира бошлади.

— Қуни кеча соат 17 дан 30 дақиқа ўтганда Ульянов шахрида Тошкентдаги «Старт» кооперативига қарашли «УАЗ-452» автомашинаси ўғирлаб кетилди. Шу кооператив ходими А. Норматов милицияга шикоят қилиб келди. Гапига қараганда, у машинада помидор сотаётган вақтда икки номаълум шахс келиб, уни калтаклашган ва машинага ўтириб, жўнаб кетишган. Шу кунгик, орадан уч соат ўтар-ўтмас оперативқидирув гуруҳи «Чорвадор» қишлоғи ҳудудида жиндотчиларни қўлга олди. Улар Ульянов шахрида яшайдиган йигирма саккиз ёшли, ҳеч қаерда ишламайдиган О. Д. ва пахта тозалаш заводининг ишчиси И. Б. эканлар. Машина эса район ички ишлар бўлимига олиб келинди.

Зомин курорт зонаси эканлиги ва бу ернинг табиати кишиларга бардам кайфият бағишлайди. Лекин бу ҳол хотиржамликка берилиш мумкин дегани эмас. Бундан бир неча йил илгари Убайдулла Файзул

лаев бедарак йўқолди. Қидирув ишлари бошланди. Орадан саккиз кун ўтгач, М. Турдиев деган кишининг томорқасидан ўлдириб қўйилган одам жасади топилиди. Тергов давомида М. Турдиев мастлигида У. Файзуллаевни (унинг ҳам кайфи бўлган) учратиб қолганлиги ва икки ўртада жанжал чиққанлиги аниқланди. Натижада Турдиев Файзуллаевни ўлдириб қўяди ва мурдани томорқасига сураб келиб, шу ерга кўмади. Қотил 15 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Яна бир мисол. 5 апрелдан 6 га ўтар кечаси «Зарбдор» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган Зомин район бўрдоқчилик базасидан 15 бош қорамол ўғирланди. Воқеа содир бўлган жой текширилганда тупроқ деворнинг ўн метрчаси ўпирилиб тушганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, унинг бузилганга қирқ кун бўлишига қарамай, маъмурият бунга ҳеч қандай эътибор бермаган. Лоқайдлик ҳам шунчалик бўладими?

Ўғирликка сабаб бўлган ҳол бошқа мавзу. Биздан эса тезда текширув ўтказиб, жиноятни очиб талаб қилинарди. Соат 15 ларда ўғирланган моллар «Марғузур» жамоа хўжалигидаги шахсий хонадонлардан бирида эканлиги ҳақида хабар олди. 20 кунлардан кейин ўғирларнинг изи топилиди. Бу гуруҳ 5 кишидан иборат экан. Бунинг қарангки, уларнинг иккитаси милиция ходими бўлиб чиқди. Терговни Зарбдор район прокуратураси олиб бормоқда.

Бу жиноятни очганлиги учун бўрдоқчилик маъмурияти район ички ишлар бўлими ходимларини икки минг сўм пул билан мукофотлади.

Пул Ҳозир шундай пайт-ки, кўп нарса пул билан ўлчанадиган бўлиб қолди. У Фахрий ёрлик каби муқофотларини бутунлай сиқиб чиқарди, дейиш мумкин. Пул Ҳозир ноёб нарса бўлиб қолди ва уни топиш учун, юмшоқроқ қилиб айтганда, ноанъанавий йўлларни излаб топишга тўғри келмоқда. Зомин райони ички ишлар бўлими ҳам шунга мажбур бўлди.

Қишлоқ аҳолиси ёки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан яхши таниш бўлган кишилар «эгасиз» техника, деб аталмиш тушунчанг яхши биладилар. Гап далаларда қолиб кетган трактор ёки уланадиган аравалар ҳақида эмас, балки хусусий шахслар фойдаланаётган, аммо тегинли хўжатлари бўлмаган техника тўғрисида бормоқда. Айтайлик, кимдир қандайдир йўллар билан эҳтиёт қисмлар топади-да, ўзи йиғади, аммо хўжатларини расмийлаштирмайди.

Район ҳокимлиги ана шунақа тракторларни мусодара қилиб, сўнгга хусусий шахслар ёки жамоаларга сотиш ва тушган пулни банкда район ички ишлар бўлими номига махсус очилган ҳисобга ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Хўш, бу пуллар нималарга сарфланади, тўғрироғи, сарфланди? Район ички ишлар бўлими улар ҳисобига «Москвич» автомашинаси, иккита ёзув машинкаси сотиб олди, хонадаги мебелларни янгилади, ҳозир техникани ҳам янгиламоқда.

«Эгасиз» техника хўжаликлари учун ҳам яхши дарс бўлди. Энди ким трактор ёки шунга ўхшаш бошқа нарса сотиб олса, уни тегинли равишда расмийлаштиришга шошиладиган бўлиб қолди. Бу ҳолда ҳам ҳокимлик қарорига биноан хўжатларини расмийлаштиришдан тушадиган маълум миқдордаги маблағ район ички ишлар бўлими ҳисобига ўтказилади.

Ана шу тарзда ўзига хос тижорат фаолияти шаклини топи. Уни узоққа чўзилади, деб бўлмайди, албатта. Лекин юзага келган шароитда шундай йўл топа билишнинг ўзи катта гап. Чунки, гап бутун бир районда жамоат тартибининг керакли даражада сақлаш ҳақида бормоқда. 1903 йилда қурилган бинода 1992 йил даражасида ишлаш анча оғир гап. Район ҳокимиятида пул йўқ, дейишади. Шундай экан, Зомин район ички ишлар бўлими ўта зарур бинони қуриш ҳақидаги масалани вилоят даражасига кўтариши керакмикин? Жиззах раҳбарияти бу масалага қандай қарар экан?

К. ГЕОРГИЕВ.



Ҳар биримиз уйимизни чиннидай тоза тутишга ҳаракат қиламиз. Айтайлик, кўзга кўринар-кўринмас даражада кичик хас тушиб қолган бўлсада, уни олиб ташламагунча кўнгил тинчимайди. Лекин ачинарлиси шундаки, остона ҳатлаб кўчага чиқдикми, ўша ажойиб одатимизни мутлақо унутамиз.

Фотомухбиримиз Ҳабибулла Шодиев суратга туширган мана шу йўл сизни Бўстонлиқ районининг энг хушманзара, сўлим гушаларига — табиат қўйнидаги табиий дам олиш масканларига етаклайди.

Ана шу йўл ёқасида атайлаб икки соат транспорт

воситаларини кузатдик. Роппа-роса 35 та машина ўтди. Рақамларига қараб сездикки, ҳамшаҳарларимиз дам олишга отланишган. Аммо улар она юртимизнинг пуриқор тоғлари орасида чарчоқларини унутиш билан биргаликда ана шу гўзалликни топпамайдилар, ўтирган жойларидаги ноёб ўсимликларни поймол этмайдилар, ароқ шишаларию, консерва банкалари қолдирмайдилар, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Яхшиямки, район ички ишлар бўлими экология бўлимаси ходимлари ҳушёрлик билан хизмат қилишяпти.

ОСОҢ ТУТМАНГ!

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси қошидаги 1-қабуллаб тақсимловчи муассаса 1962 йилнинг август ойида ташкил қилинганди. Шунга ҳам ўттиз йил бўлибди.

Мазкур муассасага олти нафар бошлиқ келиб кетган. Мана ўн йилдики, Сотимбой Эшчонов унга раҳбарлик қилмоқда.


Муассаса ходимларининг асосий вазифаси — дайди-лар билан шуғулланиш, уларни чуқур ўрганиб, ишга жойлаштириш. Дайди қиёфасидаги жиноятчиларни аниқлаб, терговга топириш.

Бироқ ҳар соҳада бўлгани каби бу масалада ҳам анча муаммолар йиғилган. Айниқса, дайдиларни иш билан таъминлаш катта қийинчиликлар туғдирмоқда.

Маълумки, ходимларимиз иш юзасидан вилоятимизнинг барча бурчакларида бўлишади. Аксарияти вилоят йўллари бўйлаб қатновчи автобус ҳайдовчилари билан бўлган асабузарликлардан безиб гапиришади. Негаки, улар ходимларнинг гувоҳномаси, уст-бошини кўра туриб ҳам йўл ҳақи талаб қиладилар.

Ҳозир йўл ҳақи бир неча баробарга кўтарилгани тўғри. Аммо хизмат юзасидан кетаётган ходимга ҳам осон тутмаслик керак. Қолаверса, ходимларнинг йўлқирасисиз ҳам чўнтақларини осон қаншайтираётган ҳайдовчилар беш қўлларини оғзига бирваракай тикмасалар бўларди!

А. КОМИЛОВ,
милиция майори.



ХИКОЯ

Узоқдан «Москва-Андижон» поёзди қораси кўриниши билан одамлар юқларини кўтариб кўзгаллишди. Бирпасда атроф шовқин-суронга тўлиб, иккинчи йўлак гавжумлашиб кетди.

Поёзд тўхтади. Ҳамма вагонга тезроқ чиқиш, қўлайроқ жойлашиб олиш ҳаракатига тушиб қолди. Фақат бу симёғоч остига келиб тўхтаган буғдойранг, дўппили йигитни ташвишга солмасди. У бепарво сигарет чекар, атрофни қизиқсиниб кузатарди. Симёғочдаги осма соат миля 21.30 ни кўрсатди. Поёзд силтаниб аста ўридан кўзгалди. Йигит шошилмай вагонга яқинлашди ва тутқични ушлаб енгил бир ҳаракат билан юқорига кўтарилди. Кузатувчи аёл эшикни ёпиб, қўлфлагандан кейин йигит сигаретини ташлаб, аста ичкарига кирди. Ўз купесини дарров топди. У шундоқ ўртада экан. У ёқ-бу ёғини тартибга келтиргач, купега мўралади. Дераза ёнида қўш-қўзлари қоп-қора, киприклари қуюқ, нафис, текис юзлари кишини маҳв этувчи кўҳлиқкина қиз аллақандай китобни берилиб ўқиб ўтирарди. Унинг нимасидир йигитга танишдек туюлди. Эшик очик бўлгани учун унинг остонадан ўтганини на қиз, на бошқа кимса пайқадди.

— Салом! — йигит бу сўзни секин айтди. Аммо қизнинг назарида шу бир оғиз сўз гайри табиий оҳангда жаранглагандек бўлди. Қиз баданида мингояқ ўрмалаётгандек сесканиб кетди. Бошини даст кўтариб қаради-ю, йигитни таниб донг қотиб қолди. Хона ўртасида ўзига қаттиқ тикилиб турган бу йигит ёш хонада Шакарбой Султонов эди.

Раъно Шакарбойни телевизорда кўп кўрган, қўшиқларини радиога эшитган, ҳар гал унинг қўшигини тинглаганда тўлқинланиб янги оламга кириб қолгандек ҳаяжонланарди. Шакарбой қўқонлик эканини билар, аммо ҳеч қачон мана шундай бир кунмас-бир кун вагонда, яна бир купеда кетиш мумкинлигини ўйламаган эди.

Раъно ўзининг қизара бошлаганини пайқаб йигитдан кўз узди-да, «Салом» дегандек охиста бош сийтаб қўйди. Яна китоб ўқишга тушди.

Қизнинг қаршисидаги пастки ўринда тур майкали, қоринни қаппайтириб ўтирган 60-65 ёшлардаги қора мағиз, ҳурпайган сочи мошгуруч киши «купеда қиздан бошқа одам ҳам бор», дегандек қилиб зўраки йўталиб қўйди-да:

— Ке, жиян, — деди хотирам тикилиб, — уялма. — Унинг бу гал оҳангида истеҳзо ҳам, самимият ҳам бор эди. Ёстиқ тагидан по-

пукли сочиқ олиб бўйни аралаш юзидаги терни артди. Кейин чордона қуриб, ёнидан жой кўрсатди. — Ўтир. Йигит сумкасини юқори полкага омонатгина қўйди. Ёмғирпўши билан костюминини эшик биқинидаги қозикча илиб, семиз киши кўрсатган жойга ўтирди.

— Тошкентда ўқийсанми? — семиз киши термосдан пахта гулли пиёлага чой қўйиб йигитга узатди. — Студентмисан?

Йигит қизга бир қараб олди-да:

— Ҳа, ўқийман, — деди чойдан хўплаб, — охири курсда.

— Баракалла, — семиз кишининг юзи ёришди. — Қайсинида ўқийсан?

Йигит ҳамхонаси узоқ йўл юриб гапни соғиниб қолганини сезд.

— Олийсида-да! — деди ҳазилга йўйиб. Семиз киши йигитнинг ҳазилини тушуниб, лабини чети билан кулиб қўйди.

— «Олийсида» бўлса, яхши... Менинг кенжа ўғлим ҳам Москвада, «олийсида» ўқийди. — У ўпирилиб дераза томон энгашди. Унинг бу ҳаракатидан юзи тўқ қизил тус олди, ажинлари кўпайиб кўрингандай бўлди. У патирион, туршак, қанд-қурс қўйилган газета тагидан сурат олиб, йигитга узатди. — Ўртада жимлайиб турган мўйловли йигит ўғлим, Зуфаржон бўлади.

Шакарбой суратни олиб ҳайрон бўлгандек тикилиб қолди. Унда тўрт нафар белигача ечинган кенг елкали мускулдор йигитлар белкуррак, лом, яна аллақандай ускуна ушлаб тургани акс эттирилганди.

— Зуфаржон бу йил ҳам отпуссида БАМга бориб ишлаб келди, — деди семиз киши гапиди давом этиб, — қарагў темир йўллари! Бунини ўша ерда олдирган...

— Мард йигит экан! — деди Шакарбой унга ҳаваси келгандай.

Йигитнинг мактовидан семиз киши эриб кетди.

— Ҳа, тўғри айтасан! — деди у. — Ҳашар — йигитга ярашар, дейдилар. Ҳамма бир бўлса, БАМ туғул бошқаси ҳам тез битиб кетади. Тўғри, иссиқ кўрпани ташлаб, соғинч ортомлаб кетиш ҳар кимга ҳам ёқавермайди. Аммо бунинг улдасидан чиққан асло кам бўлмайди... — У совиб қолган жойини бир кўтаришда симириб, бўш пиёлага газета устига қўйди. — Зуфаржонни кўп соғингандим. Масковга қайтиб келганини эшитиб, дарров йўлга тушдим.

Шакарбой, «Қизингиз-ния олиб борибсиз-да» демоқчи бўлди-ю, ўзини тийди. Билинтирмай қизга кўз қирини ташлаб олди. Қиз ҳамон букилиб ўтирар, қалин кўк китобини тиззасига қўйиб олганча киприк қоқмай ўқир, купе психологияданми,

тиниқ юзи шафақдек ёнарди... «Қизи ўзига ҳеч ўхшамас экан...»

— Раънохон асакалик, Масковда ўқимоқчи, — деди семиз киши қиз томонга ўпирилиб. — Доктор бўлмоқчи. Ишқилиб, ҳар ким ниятига етсин!

— «Раъно унинг қизи эмас экан-да!»

Поёзд навбатдаги бекатга кириб борганда уларнинг суҳбати қовушиб, қизиб кетганди. Поёзд секинлаб, силтаниб тўхтади. Вагонда яна гангур-гунгур авжига минди.

— Мен ҳозир келаман, — деди йигит қозикдаги костюминини олиб.

У купедан чиқиб эшик томон юрди. Ташқари анча салқинлашиб қолган, ўсма-ранг осмонда саноқсиз юлдузлар равшан чарақлар, лагандай ой ҳаволаб кетган, атроф ипакдай майин нурга кўмилганди. Вокзал кундузгидай гавжум. Дўконлар очик, муолишдаги ойна-ванд ресторан ичкарисидан музика садолари эшитилиб турарди. Йигит розининг тумшугига ўхшатиб ишланган симёғоч остида мудраб ўтирган чуст дўппили болани туртди.

— Ҳой бола, қовунни сотасанми?

— Сотаман, амаки, сотаман, — бола қўлини кенг енгидан суғуриб олди-да, даст ўрнидан турди. — Олинг ўзиям зўр қовун, нақд шакар!

Йигит қаршисида мўлтираб, илтижоли термилиб турган озгин, рангпар боланинг уйқусизлиқдан қизариб кетган кўзлари, сўлгин юзи, устидати узун, ер супуриб турган пахталик тўнига синчиклаб қараб чикди-да, индамай қовун тавлашга тушди.

— Нима, сизлар далага селитра ўрнига шакар сепганмисизлар? — сўради бошини кўтармай. Бола йигитнинг гап оҳангидан у ҳазил қилаётганини тушуниди. Юзи ёришганга ўхшади. — Шунга қанча берай? — Йигит банд берган қовунни топиб, болага кўрсатди. — Бўлишини айт!

Бола жиддий тортиб деди:

— Тарозита қўйинг амаки, кўрамиз!

«Болакайнинг ўзиям ҳаммак кўринмайди».

Йигит истеҳзоли кулди.

— Нима бало, қовунни балконда ўстирганмисизлар? — У атайлаб «деҳқон-масмисизлар?» демади. — Лифтда сув ташиб, экин парваришлаш қийин бўлса керак-ов?

Бола бошини кўтариб шарақлаб кулиб юборди.

Шакарбой қовунни бола баҳолаган нархда харид қилди-да, зина ёнидаги ойна-ванд дўкон томон юрди.

— Зап чаққон йигит экансан, — семиз киши йигит-

нинг қўлидан шакарпалакни олиб бандига қаради. — Қовун тавлашга ҳам уста кўринасан.

Йигит қўшини хонадан пи-чоқ топиб келиб қовунни тилимлади. Кейин орқасига ёстиқ қўйиб ҳамон китоб ўқиб ўтирган қизга қаради.

— Раънохон, бирпас китобни қўйинг, — у қовунга ишора қилди, — қовун еймиз, келинг... Барибир дарров ҳаммасини каллага жойлаш қийин.

— Рост, — деди семиз киши йигитнинг гапини маъқуллаб, — мана уч кун бўптики, кўзининг китобдан узмайсан. Мундоқ, кўзни авайлаш, овқат-повқат еб туриш ҳам керакда!... Ке, қизим, шакар қовун экан, бир яйраб ол!

— Раҳмат, — деди қиз миннатдор оҳангда, — егим йўқ...

— Нега уяляпсан, ахир бу аҳволда уйингга етолмайсан-ку!

Йигит Раънонинг атайлаб ноз қилаётганини сезд. «Мунча қайсарлик қилмас?»

— Келинг, бир тилим енг-а, нақд тилингизни олади. — Раъно бошини кўтариб қаради-ю, Шакарбойнинг бир тилик қовун узатиб турганини кўрди. — Ўзиям балконда пишган...

Йигитнинг ҳазили Раънога ёқди. Юзини китоб билан беркитиб «пиқ» этиб кулиб юборди.

«Ўзи жиддий йигит кўринсаям, балодек қизиқчи экан!» — хаёлидан ўтказди у.

Раъно даврага қўшилиши билан суҳбат яна қизиб кетди.

— Исмингни Шакарбой қўйиб тўғри қилишган экан, — деди семиз киши йигитнинг ҳазилларидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб. — Қилган ишинг ҳам гавданга ярашади. Хўп яхши, ғайратли йигит экансан...

«Рост айтди Соли ака, — кўнглидан ўтказди Раъно энтикиб. — Хўшрўй йигит экан ўзиям...»

Раъно билинтирмай йигитга бошдан-оёқ синчиклаб разм солиб чикди. «Келишган, кўркем йигитлар одатда шилқим бўлишади... Уларнинг мухлислари ҳам кўп бўлади...»

У стол устини тартибга келтириб, ўрнига бориб ўтирди. Китобни қўлига олиб, қолган жойидан ўқишга тушди. Аммо энди хаёлида аввалгидай китобдаги воқеалар эмас, Шакарбойнинг алланечук сирли қарашлари жонланарди...

«Қизик, унга нима бўляпти, ўзи!», кўзини китобдан узмай узоқ Соли ака билан Шакарбойнинг суҳбатига қўлоқ солиб ётди. Улар энди латифа айтишаётганди. Шакарбой яна гапни олди:

— Афанди деҳқончиликни ҳавас қилиб қовун экибди. Қовун сайли ўтаётган кунларнинг бирида маҳалладаги тегиншқ йигитлар уни лақиллатиб, қовун ўғирламоқчи бўлибдилар. Уларнинг иккитаси дутор, тамбур қўлтиқлаб қовун қапата бориб, Афандини чалғитиб туриш учун ашулани ванг қила бошлабдилар. Шу пайт Нуриддин деган учинчи шериклари полизнинг этак томонидаги қовунларни ўғирлаш керак экан. Лекин этакдаги қовунлар унча етилмаган экан. Бунини аниқлаган шериклари ашула орқали унга шама қилибдилар.

НУРИДДИНА, НУРИДДИН, НАРИДАН ЭМАС, БЕРИДАН!

Бу галати ашуладан шубҳаланган Афанди секин ўридан туриб, қапа орқасида боғлаб қўйилган кўчқордек итини бўшатиб юборибди-да, ўзи меҳмонлар олдига келиб, уларнинг ашуласига жўр бўлибди:

Тўс ўғрининг йўли-дан, тушсин қовун қўли-дан!

Раъно бу латифани қаердадир ўқитган, аммо журналда, ё китобда аниқ эс-лолмади.

Соли ака кулгидан аранг тўхтаб, газета устидagi термосни қўлтиқлаб, аста ўридан турди. Раъно унинг чой ичгиси келаятганини пайқаб, жойидан иргиб турди-да, бори унинг қўлидан термосни олди.

— Ўзим дамлаб келаман.

Раъно титан тугмачасини босиб, чойнакни бурчакдаги столга қўйди-да, ўзи ярим очик дераза тагига бориб ташқарига разм солди. Ташқари тун қўйнида ваҳимали кўринар, осмонда ой уқпар бўлутлар қатрига кириб кетган, лекин унинг ёғдулари қозондан тошган сутдек шўла сочарди.

— Сиз ҳам шу ердами-сиз? — Раъно овоз эгасини таниб, кескин ўтирилди. Қаршисида Шакарбой чиройли жимлайиб турар, ойнадан гупиллаб уриб турган муздек шамол нейлон қўлагини пуфакдек шишириб пирпира-тарди.

— Чой қайнашини кутяпман, — деди Раъно негадир қизариб.

— Асаканинг қаеридан-сиз? — сўради Шакарбой жиддий тикилиб.

— Ўзидан... — паст, майин овозда ерга тикилиб жавоб берди Раъно.

— Мен Қўқондан, — деди Шакарбой қизнинг сўровини ҳам кутмай. — Уйимиз эски бозорнинг орқасида. Шундоқ бориб: «Азимжон аканинг уйи қайси?» деб сўрасангиз, етти ёшдан, етмиш ёшгача айтиб беради.

Раънонинг қувлиги тутиб кетди.

— Дадангиз шундай машхўр кишиларми? Касблари нима?

Шакарбой Раънодан бу саволни кутмаган эди. Унгайисизланган эди, орқасидан келган бегона овоз уни тетиклантирди. Шакарбой овоз келган томонга қаради. Ўзидан икки қадамча нарида қўш-қўзлари попудек, бўйлари баб-баравар, эғнидаги қўйлаги, шими торсиллаб қаддига ёпишиб турган икки нафар қиз қайрилма киприкларини кўтариб, унга қаттиқ тикилиб туришарди.

— Менда ишларинг борми? — сўради Шакарбой қизлардан кўз узмай.

— Сиз хонада Шакарбой Султонов бўласиз-а?

Бирдан Шакарбойнинг чехраси ёришди. Пешонасидаги билинар-билинимас чизикча ёйилиб, аввалгидай кўзлари қақнаб кетди.

— Ҳа! Нимайди?!

— Биз сизни вокзалда турганингизни ойнадан кўргандик. Кейин ахтариб тополмадик, — деди сочи қирқилган қиз Шакарбойга яқин келиб. — Бида тор бор, бир қўшиқ айтиб берсангиз... деб...

Раъно, аввал қўлоқларида йирик халқа зирак таққан сочи қирқилган қизга, кейин Шакарбойга қараб олдида, юрагининг бир бурчида билинар-билинимас санчик турганини сезиб, чойнакни ҳам унутиб, хонага отилиб кириб кетди. Эшикни ёпаётганда Шакарбойнинг:

— Сиз учун бўлса, жоним билан, — деганини эшитиб қолди-ю, негадир товонгача қалтираб кетди.

— Қизим, чой йўқ эканми? — у Соли аканинг овозини таниди. Хаёлини тўлаб, ич-ичидан тошиб келаятган аламли бир титроқни босиб:

— Ҳали қайнамапти. Қайнасин, дамлаб келаман, — деди ҳорғин қиёфада.

(Давоми кейинги сонда).

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Ўтган йили «Постда» газетасида ҳамманинг эътиборини жалб этган бир хабар чоп этилган эди. Унда Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан шаҳар ва районларда (КХД) кўнгилли халқ дружиначилари ассоциациялари тузиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида гап юритилган эди. Бундай ассоциациялардан дастлабкисига «Оқ олтин» районида асос солинганди.

Унинг тажрибаси ва иш услублари чуқур ўрганилиб, ҳамма ерда жорий этиш учун тавсия этилди. Лекин, молиявий қийинчиликлар туфайли кўп ерларда бу хайрли иш амалга олмади. Шунга қарамай вилоятнинг 10 шаҳар ва районида КХД ассоциацияларини тузиш оператив вазиятларга ижобий таъсир қилганлиги маълум бўлди.

Ҳокимиятлар, прокуратура-лар ҳамда шахсий таркиб вакиллари иштирок этадиган чоракларро бундай йиғинларда ҳар бир жамоа ўз ишчи бошқа жамоалар фаолияти билан таққослаб кўрар ва керакли бўлган ижобий хулосаларни чиқариб оларди. Сирасини айтганда ҳокимият вакиллари ҳам милиция органларининг муаммолари билан бевосита танишар эдилар. Ана шундай мулоқотларнинг бирида Меҳнатобод район ички ишлар бўлими ходимлари учун бир нечта квартира ажратиш, рақия сотиб олиш учун 60 минг сўм бериш, паспорт бўлими учун қулай жой танлаш ва уни жиҳозлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги доқоридаги иш услуби самарасидан бир шингил.

Юқорида тилга олинган иш услубларидан ташқари бу йил вилоят ички ишлар бошқармасида яна қатор я-

гиликлар туғилди. Излаган — топади, дейдилар. Худди шундай. Аҳоли фаол қисмининг саъй-ҳаракатларини янада жонлантириш бўйича имкониятлар қидирилди. Бу йўналишда «Оқсоқоллар кенгаши», деб аталган янги бир тизилма вужудга келди. Ўз номидан маълумки, бу тизилмаларда табаррук ёш соҳиби бўлган, ҳаётини тажрибаларини бошидан кўлаб кечирган, эл ҳурматини қозонган отахонлар асосий роль ўйнай бошладилар.

Яна бир ташаббус ҳақида айтмасдан бўлмайди: кейинги кезларда тижорат муносабатлари туфайли оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, газета ва журналлар ҳам қийин аҳволга тушиб қолди.

Ойнаи жаҳон ва радио ахборотларнинг асосий манбаига айланди. Буни дарҳол пайқаган ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ойнаи жаҳон имкониятларидан самарали фойдалана бошладилар. Жумладан, шу усул билан жиноятчиларнинг қилмишларини фош этиш, ўғирлар ҳақидаги маълумотномалар, ашёвий далиллар, қидирув ишлари тафсилотлари олиш ҳуқуқбузарлар кирди-көрларини зудлик билан очишда катта наф келтирди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи А. Отахўжаев ва унинг ўринбосари А. Қўчқоровларни, муболағасиз, бу янгиларнинг ижодкорлари дейиш мумкин. Вилоятда телекўрсатувнинг йўқлиги туфайли уни вужудга келтириш назарда тутилганда йиғирмадан ортиқ келишувлар, кабель муаммолари, қатор-қатор муаммоларини ечиш ва мақсадни амалга ошириш қанчалик мушкул бўлганлигини англаш қийин эмас.

А. ВОЛОДИН.

Оқсоқоллар кенгаши. У нима?

Илгари жамоат тартибини сақлаш жараёнида иштирок этган жиноятларнинг олдини олиш кенгашлари, ўртоқлик судлари, жамоатчилик кенгашлари жамият ҳаётида юз берган ўзгаришлар натижасида ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Ҳар бир нохушликнинг олдини олиш тажрибаси самарали эканлиги маълум бўлавергач, Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси 1991 йил декабрида замон талабига жавоб берадиган иш шакллари қидириб топиш борасида катта саъй-ҳаракат кўрсата бошлади. Вилоят ҳудудидаги 10 шаҳар ва районларда Оқсоқоллар кенгаши тузилди. Бу қандай тизилма эди? Мухбиримиз ана шу савол билан Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасининг профилактика хизмати бўлими бошлиғи, милиция майори Баҳодир Ҳасановга мурожаат қилди.

— Энг аввало, — деди Б. Ҳасанов. — ўша пайтдаги жиноятчиликка доир муҳит ҳақида гапириш лозим. Иқтисодийдаги қийинчиликлар озик-овқат ва бошқа кундалик маҳсулотлар нархининг кескин ошганлиги аҳоли ҳаётидаги бир неча йиллардан буён қарор тошган муҳим соҳаларни, ижтимоий, ҳуқуқий жараёнларни бир қадар издан чиқарди. Шахсий ва давлат мулкни ўғирлаш, талон-торожлик, чайқовчилик, фирибгарлик авж олди. Шундай шароитда маъмурий ва ижтимоий чоралар ҳуқуқбузарликнинг кескин бузилганлиги боис кўзланган натижаларни бермай қўйди. Ичкилик туфайли оилавий жанжаллар кўпайди. Маншай бузуқликлар кўлами кенгайди. Масалан, қисқа вақт ичида 26 киши қасддан ўлдирилди, 128 нафар одам тан жароҳати ол-

ди, 15 та жиноий безорилик содир бўлганлиги фикримизнинг далилидир. Ўтган йил охирида мана шундай бир вазиятда биз Оқсоқоллар кенгаши тузиш тўғрисидаги Қондани ишлаб чиқдик ва қабул қилдик. Бундан олдин мазкур қонда лойиҳаси қишлоқ оқсоқоллари ҳамда давлат органлари томонидан ўрганиб, маълумланган эди. Маҳалла, ҳўжаликларда тузилган 10-11 кишидан иборат Оқсоқоллар кенгашлари жамоат ташкилотлари, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, уруш ва меҳнат фахрийлари, маъмурий органлар, дин, жамоатчилик вакиллари сайлов йўли билан киритилди. Кенгашга сайланганларнинг халқ орасида катта иззат-иқромга эга бўлишга алоҳида эътибор берилди. Кенгаш таркиби тузилиш жиҳатидан 6 шўбадан иборат. Улар оилавий ҳамда манший жанжаллар, болалар тарбияси, илгари судланган ва ҳеч ерда ишламайдиган кишилар тақдир, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, аёллар, ёшлар масалалари, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш, (КХД) кўнгилли халқ дружиналари, уларнинг бўлиналари ишлари билан тигиз шугуллана бошладилар.

Ҳуқуқий ва маънавий тарбия марказлари ҳисобланмиш мазкур кенгашлар учун ажратилган жойлар безатилишига алоҳида эътибор берилди. Зотан улар халқимизнинг қадимий қадриятларига, миллий анъаналаримизга жавоб бериши лозим эди. Мажлислар ўтказадиган хоналар миллий услубда гиламлар, шолчалар, хонтахталар, кўрпа-кўрпачалар билан жиҳозланди. Шарнат ҳадисларидан олинган алломаларимизнинг ва адибларимизнинг қимматли фалсафий

фикрларига доир битиклар кўзга кўринарли жойларга ёзиб қўйилди.

Ҳозирги пайтда ҳар бир районда 5-6 тадан ана шундай масканлар ишлаб турибди. Уларнинг умумий сони 50 тага етди. 238 шўбага бирлашган 389 киши ана шу марказлар таркибида фаолият кўрсатмоқдалар.

Бундай марказлар фаолияти катта самара бераётганлигини қуйдаги мисоллардан билса бўлади. Гулистон шаҳридаги Оқсоқоллар кенгашига 85 киши бирлашган. Улар қисқа вақт ичида 27 та можарони ҳал қилдилар. Сирдарё шаҳрида иш олиб бораётган 5 та кенгаш эса 19 та ишни кўриб чиқди.

Оқсоқоллар кенгашлари ҳуқуқий ва маънавий масалалар билангина шугулланмаётганликлари йўқ, жумладан вақти-вақти билан улар савдо дўконларида текширувлар ўтказмоқдалар, ер билан алоқадор жанжалларга аралашмоқдалар, ҳуқуқий тарбияга ҳам эътибор бермоқдалар. Мазкур кенгашлар ёрдами билан диний мутаассиблик анъаналарини ўз олдига мақсад қилиб қўйган миллатчилик руҳидаги «Адолат», «Ислом лашкарлари» ва бошқа гуруҳлар фош қилиб ташланди. Улар амалдаги қонуларга зид равишда фаолият юргазганлар.

Оқсоқоллар кенгашлари ишларини таҳлил қилиш бундай кенгашларнинг фаолияти ниҳоятда самарали эканлигини кўрсатди. Уларнинг кўмаклари туфайли жойларда вазиятлар анча-мунча яхшиланди. Демак, бундай кенгашлар иш тажрибасини ҳамма жойда кенг жорий этиш фақат фойда келтиради, деб ҳисоблайман.

Ишлашни хоҳлаган имконият қидиради

Ҳазирама туш пайти. Кўчалар жим-жит. Унда-мунда бирор машина ёки ёлғиз йўловчи ўтиб қолмаса, гўё ҳеч ким йўқдай. Бундай осойишталик балки, Пискентга ўхшаган кичик шаҳарчаларга хос хусусиятдир.

Пискент район ҳокимиятининг ички ишлар бўлими. Аммо бу ерда ҳам осойишталик ҳукмрон. Навбатчилар хонасидан ушлаб келинган кишиларнинг шовқин-сурони эшитилмайди, тадбирдан қайтиб келаётган милиция машиналари кўринмайди, бошлиқлар хонаси олдида навбат кутиб турган одамлар ҳам йўқ.

Оператив ишлар бўйича бўлим бошлиғининг ўринбосари, ҳозир эса таътилга кетган бошлиқ вазифасини вақтинча бажариб турган милиция капитани Эркин Иномов ўзи гапиршдан кўра, бошқаларни тинглашни яхши кўрадиганлар сирасидан. Шунинг учун саволаримизга лўнда-лўнда жавоб беради.

— Қандай муаммолар бор, дейсизми? Рақиялар, хизмат машиналари етишмайди. Охириги марта 1990 йилда учта «УАЗ» машинаси олган эдик. Транспорт етишмасида илжани топса бўлади, аммо рақияларсиз... Жамоа ҳўжаликлари билан телефон алоқасининг аҳволи ёмон. Агар ҳар бир участка вакилининг хонасига рақия ўрнатиш имкони тузилганда эди, бу жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиш иш-ни анча енгиллаштирган бўларди.



СУРАТЛАРДА: марказлашган қўриқлаш пултининг катта инспектори, милиция капитани Абдувоҳид Қурбонов ва навбатчи Зулхумор Эргашева хизмат вазифаларини маҳорат билан бажармоқдалар.

Жиноятчилик аҳволи билан қизиқдик. Ўтган ярим йиллик маълумотларга қараганда, ЖК йўналиши бўйича рўйхатга олинган жиноятлар 61 тани ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан учта кам. Иқтисодий жиноятлар эса ўтган йилдаги 42 та ўрнига 53 тага кўпайган (бу афтидан давр таъсири бўлса керак, жиноятчилик тобора бозор муносабатларига кириб бормоқда).

Республиканинг кўплаб қишлоқ жойларида бўлгани каби бу ерда ҳам қорамол ўғирлаш кенг тарқалган. Биринчи ярим йилда қорамол ўғирлаш билан машғул



бўлган еттита гуруҳ фош этилди. Уларнинг «иш услуби» бошдан-оёқ ўрганиб чиқилди. Сигир ёки буқа бир райондан ўғирланиб, зудлик билан бошқасига олиб кетилади ва тезда сўйиб, калла-поча қилинади. Қарабсизки, гўшт тайёр, фақат бозоргами, ресторан ёки ошхонагами олиб бориб сотиш қолади, холос. Бу гапларни эшитар эканман, мол ўғирларидан гўшт сотиб олувчилар уларнинг шериклари эмасмикан, деб ўйланиб қолдим. Йўқ, дейишди. Бундай гуруҳлар молни ўғирлаб, сўндилар-да, харидорга сотадилар. Харидор эса маҳсулот қаердан олиб келингани билан қизиқмайди. Ҳозир бу билан қимматинг неча пуллик иши бор дейсиз: маҳсулот ёқдимки, нархи тўғри келдики, сотиб олавер. Ҳаммаси бозор муносабатлари асосида олиб борилади.

Камтап Э. Иномов амалиётчи бўлгани учунми, гап аниқ нарсасига бориб тақалга-

Участка инспекторлари, милиция катта лейтенантлари (чапдан) Уктам Мирсоатов, Содиқ Худойбердиевлар профилактика ишлари бўйича катта инспектор, милиция подполковниги Рихситилла Нишонбоев билан ўзаро мулоқотда.

ишда бирмунча сўзамол бўлиб қолди. Биз шахсий ва давлат мулкни милиция қандай муҳофаза қилаётгани билан қизиқётганимизни кўриб, қўриқлаш бўлимида иш билан танишини таклиф қилди. Бўлима районлараро бўлиб, Пискент ва Бўқа районларига хизмат қилади. РИИБдаги мўъжаз давра суҳбатимизда иштирок этаётган милиция капитани Абдувоҳид Қурбонов шу бўлимида катта назоратчи бўлиб ишлайди.

— Мана, уч йилдирки, қўриқланаётган объектларда ўғирлик юз бергани йўқ, — деди Қурбонов, — уларнинг

учдан икки қисми Пискентдаги марказлаштирилган пулт (МҚП)га уланган. Дарвоқе, МҚПга уланган объектлар сони тобора кўпайиб, эркин ёлланган қоровуллар миқдори эса камайиб бормоқда. Корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарлари пулни ўйлаб ишлатадиган бўлиб қолишди. Кўпинча улар қоровул ёллашдан воз кечишмоқда. Чунки бир соат учун қоровулга 19, МҚПга уланганда эса 5 сўм тўланади. Зеро МҚП орқали қўриқлашнинг ишончлилиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бунинг устига пул, қимматбаҳо металллар, наркотиклар сақланадиган объектларда икки қарра кучли қўриқлаш тизими жорий этилган.

Шундай воқеа бўлиб ўтганди. «Ўзбекистон» шўро ҳўжалигининг кассасини уриб кетишди. Кейин маълум бўлишча, жиноятда кассирнинг ҳам қўли бор экан. Лекин ҳозир гап бунда эмас. Жиноят энг аввало қўриқлашнинг бўшлиғи туфайли содир бўлган. Ҳақиқатан ҳам ҳўжалик маъмуриятининг бутун бошли биносидаги барча моддий бойликларни биттагина қоровул ишончли равишда қўриқлай олади, деб бўладими? Ҳўжалик раҳбарияти бу воқеадан тегиниш хулоса чиқарди ва район ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига мурожаат қилиб, бинони ўз қарамоқларига олишни сўради. Эндиликда бу объект тўрт нафар қоровул томонидан муҳофаза этилмоқда.

К. СЕРГЕЕВ.

Суратларни
Ҳ. ШОДИЕВ тайёрлаган.



Айни пайтдаги жиноятчилик оламию унга қарши кураш, осойишталик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқи-моқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, ташкилот, муассасангиз имкони-ятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?

МАРҲАМАТ

«Постда»
«На посту»

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.


Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси—
312 сўм. Индекслари—64615 ва 64616.

Суратлар айблайди

Қайишиб-майишиб, пачоғи-абжағи чиқиб турган, шарти кетиб, парти қолган Қувур билан сув ичиш Фавворачаси ҳудди масалдагидек, бемалол гаплаша бошлади.

— Бу қандай кўргулик? — деди бели чиққан Қувур аянчли овоз чиқариб. — Заводдаги қўли гул усталар бизни шундай бўлсин, деб яратишганимиди, а?

— Э, Қувуржон-ей, — аранг мингирлади чап ёни ўпирилган сув ичиш Фавворачаси. — Озмунча меҳнат, маблар билан бунёд этилганмиди? Ун гулимдан бир гулим очилмай ҳазон бўлдим, арзигулик, дурустроқ хизмат қилмасдан шу аҳволга тушдик-ку, қорнимизга эмас, қадримизга йиғлаймиз.




Бир чеккада уларнинг гапига қулоқ солиб турган эшик тепасидаги Пешлавҳа бирдан тилга кирди:

— Ҳасратларингни эшитсам, ярамга туз сепилгандек бўлапти. Ахир ўзбек тилига давлат мақоми берилганига қанча бўлди? Республикаимизнинг мустақиллик тўйига шу аҳволда бориб бўладими?

Ҳа, замон ўзгариб кетган бўлса-да, пешонамга битилган ал-

мисокдан қолган ёзувлардан ҳали-бери ҳалос бўладиганга ўхшамайман. Биров менга қаттиқроқ тикилиб қараса, ўзимни қўярга жой тополмай қоламан... Қани энди қўл-оёғим бўлса-ю... ие... жим...

Гап шу ерда тўхтади. Чунки ҳар ерда ҳозир нозир «Постда» газетасининг фото мухбири Ҳабибулла Шодиевнинг қораси Ўрта Чирчиқ район ички ишлар бўлими идораси ёнида кўри-ниб қолди. Айтинг-айтинг, мухбир уларнинг хуфёна баҳсини эшитиб қолган бўлмасин-да! Акс ҳолда...
Т. МУРОДОВ.



ТУЗАТИШ

«Постда»нинг ўтган сонидида чоп этилган «Умрбод эсда қолади» номли мақоладаги жузъий хатолар учун муштариолардан узр сўраймиз.

Биринчи устуннинг тепадан 8-сатри «...ўн бир йилдан...» эмас, «...ўн беш йилдан...», 4 устуннинг пастдан 3-сатри «...Юнусобод райони ҳокими А. Қосимов...» эмас, «Юнусобод райони ҳокимияти ижроқўми раиси А. Қосимов...» деб ўқилишини илтимос қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти қўмондонлиги, хизматдош дўстлари ва ўртоқлари кулнетиинг катта ўқитувчиси подполковник Борис Дмитриевич ВЕЛИЖАНИНнинг вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чин дилдан ҳамдардлик изҳор этадилар.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқинг эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига нисбатан тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, насрул котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлими — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир —
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ломоносов кўчаси, 1.